Ушбу сонда:

2 «Ишонч» фош этади — ИШ БЕРУВЧИГА ҲАҚЛИ ЭЪТИРОЗ

3 «АВЕСТО» – БУ МАНГУ КИТОБ

8 БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 26 декабр, жума № 203-204 (1629)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ҲАММАСИ БОЛАЛАР УЧУН

Республика болалар бадиий ижодиёти марказида ногирон болалар, кам таъминланган оилалар фарзандлари, мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун янги йил байрамига бағишланган хайрия тадбири ўтказилди.

Мазкур марказда бир юз эллик нафардан кўпроқ бола тасвирий ва амалий санъат сирларини ўрганмоқда. Уларнинг ёғочга нақш ўйиш, ганж ўймакорлиги, миниатюралари, ҳайкалтарошлик, кулолчилик, рассомлик, каштачилик соҳасидаги ижодий ишлари юртимизда ва хорижий мамлакатларда ўтказилган халқаро кўргазмаларда муваффақиятли намойиш этиляпти.

Тадбир иштирокчилари учун байрам дастурхони ёзилди, ёш ижрочилар ўз санъатини намойиш этди.

(ЎзА)

«МУРУВВАТ УЙИ»НИНГ ойнаванд даласи

Наманган вилояти Поп туманидаги эркаклар учун ихтисослаштирилган «Мурувват уйи»да ҳозирги кунда 250 нафар ногиронга ижтимоий ҳамда тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.



Дарвозадан киришингиз билан ён-атрофдаги озодалик, саранжом-саришталикни кўриб дил қувнайди. Таъкидлашларича, ўз касбига меҳр қўйган, тажрибали тарбиячи ва ҳамшираларнинг фаолият юритишаркан. Айниқса, Зарифа Маматқулова, Муқаддас Тожибоева, Полвонжон Абдукаримов, Кантихон Раҳимова, Тўлахон Абдукаримова сингари ходимлар барчанинг меҳрини қозонишган.

Ётоқхоналар шинам жиҳозланган. Тарбияланувчиларни кўргани келган ота-оналар учун алоҳида хона ажратилган. Дам олиш хонасида кимдир телевизор томоша қилаяпти, яна кимдир китоб мутолаа қилиш билан банд. Бемор Комилжон Соатов билан фикрлашамиз:

– Республика ҳукуматининг меҳрини чуқур ҳис қилиб яшаяпмиз, - дейди у. – Бу ерда тўрт маҳал иссиқ овқат, керакли дори-дармонлар берилади. Ҳомий ташкилотлар, саховатпешалар ҳам беминнат ёрдамларини аяшмаяпти. Муолажа хонаси керакли жиҳозлар билан тўла таъминланган. Бўш вақтимизда биз ҳам меҳнат қучоғига отланамиз.



Хайратланганлигимизни сезган шифокор Илҳомжон Турдиалиев бизни ажойиб иссиқхона томон бошлади. «Мурувват уйи»нинг агроучастка-сидамиз. Ташқарида қиш бўлишига қарамай ойнаванд дала ичида айни пишиқчилик. Лимонлар, турли кўкатларни кўриб бахри дилингиз очилади. Буларни шу маскан тарбияланувчилари парвариш қилишади. Улар орасида қўлигул соҳибкорлар оз эмас.

Ҳамжиҳатликда яна бир хайрли ишга қўл урилибди. Яъни, 200 та товуқ, ўрдак, 12 бош сиғир меҳр билан парвариш қилинаяпти. Сакқиз гектар боғдан ёз ва куз ойларида мўл ноз-неъмат йиғиштириб олинди. Шу боис дастурхондаги мевачева ва бошқа ноз-неъматлар ўзларидан чиқади.

Табиийки, ушбу маскандa овқатлар беморларнинг талаб-истаклари асосида тайёрланади. Калорияси кучли миллий таомлар кўпроқ дастурхонга тортиларкан.

«Поп Феҳ» қўшма корхонаси, «Машъал», «Ғурумсарой» ҳамда Мирсултонова номли ширкат хўжаликлари, қатор фермерлар навбатма-навбат керакли неъматларни етказиб беришмоқда.

ХАТОЛАРДАН ХУЛОСА ЧИҚАРИБ

Қашқадарё вилояти ҳокимлигида ўтган йиғилишда ниҳояланаётган йилда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилган ишларга якун ясалиб, галдаги долзарб вазифалар белгилаб олинди. Унда туман ҳокимлари, йирик ширкат ва фермер хўжаликлари, бошқа даҳлдор ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Бу йил вилоят деҳқонлари 393 минг тонна пахта етиштирди. Гарчи давлатга пахта сотиш шартнома режаси бажарилмаган бўлсада, режадаги тола тайёрланди. Рентабеллик даражаси ўтган йилга нисбатан анча ошди. Ғаллачилик ва чорвачиликда ҳам яхши натижалар қўлга киритилди. Вилоятда қишлоқ хўжалигининг ўзидан қирқ икки миллиард сўм соф фойда олинди. Бунда кишиларда ерга ва мулкка эгалик ҳиссининг ошаётгани, деҳқон ва фермер хўжаликларини, тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётгани муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармонига биноан вилоятдаги зарар кўриб ишлаётган ёки паст рентабелли ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш кўзда тутилган. Йиғилишда бу борада амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинди. Тугатилаётган ширкат хўжаликларининг ерлари фермер хўжаликлари ўртасида тақсимланаётганида масалага адолат нуқтаи назаридан ёндошиш, тендер ва танловларни ўз вақтида, сифатли ўтказиб, майдонларни ишнинг кўзини биладиган, тадбиркор ҳамда миришкор кишиларга бериш лозимлиги қайд қилинди.

Йиғилишда вилоятдаги баъзи туман ва хўжалик раҳбарларининг сусткашлиги, ишни тўғри ташкил этиш борасида замон талабларидан орқада қолаётгани туфайли ўтган мавсумда пахтачиликда кўзланган натижаларга эришилмагани таъкидланди. Энди бундай хато ва камчиликларга барҳам бериш, келгуси экиш мавсумига пухта тайёргарлик кўриш, шудгорни ўз вақтида тугатиб, шўр ювиш ишларини кўнгилдагидек ташкил этиш лозим.

Йиғилишда вилоят ҳокими Н.Зайниев иштирок этди.

(ЎзА)

ҲАМКОРЛИК ЛОЙИҲАСИ

Вазирлар Маҳкамаси мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг шу йил бошида Испанияга давлат ташрифи чоғида эришилган аҳдлашувларни амалга ошириш мақсадида «Испания Қироллиги билан ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилган эди.

Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази мазкур қарор асосида «Ўзбекистонда тиббиёт соҳасида кадрлар тайёрлашда касб-ҳунар таълимини ривожлантириш» лойиҳасини ишлаб чиқди. Унга мувофиқ мамлакатимизда фаолият юритаётган барча тиббиёт коллежларини зарур жиҳозлар билан таъминлаш белгиланган. Лойиҳада педагог кадрлар малакасини ошириш, ўқув услубий қўлланмалар яратиш ҳамда мультимедиа дастурлари ишлаб чиқиш ҳам кўзда тутилган.

Йигирма беш миллион евро миқдоридаги Испания имтиёзли кредити асосида амалга ошириладиган мазкур лойиҳа икки йилга мўлжалланган.

(ЎзА)

«Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, истеъмолчи сифатсиз ноозиқ-овқат товарни харид қилган кундан эътиборан ўн кун ичида сотиб олинган жойдан уни айни шундай товарга алмаштириб олиши, агар бундай товар сотувда бўлмаса, пулини қайтариб олиши мумкин. Товарда кафолат муддатида топилган нуқсонларни сотувчи истеъмолчи тегишли талаб қўйган пайтдан эътиборан 20 кун ичида, ишлаб чиқарувчи 10 кун ичида бепул бартараф этиши лозим.

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ ҲИМОЯДА

Бугун юртимизда айни шундай асосларга таянган ҳолда истеъмолчилар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинмоқда. Лекин савдо шохобчаларида истеъмолчининг кўзини шамғалат қилиб, яроқсиз буюмларини сотувга қўяётган «тадбиркорлар» ҳам йўқ эмас. Пойтахтимизнинг Яккасарой туманида яшовчи Д.Бозорбоев «Малҳам» хусусий фирмаси дўконидан 52 минг сўмга «Болгарка» русумли арра сотиб олганди. Харид пайтида расмийлаштирилган чекда кўрсатилган асбоб истеъмолчининг уйида умуман ҳаракатга келмади. Табиийки, харидор маҳсулотни тезда дўконга қайтариб олиб борди. Аммо, сотувчи носоз товарни қайтариб олишдан бош тортди.

- Сотувчи бу товарни қонунга зид равишда қайтариб олмаган, - деди Тошкент шаҳар монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Рустам Акбаров ЎзА мухбирига. - Истеъмолчининг аризаси асосида «мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида савдо хизмати кўрсатаётган фирма маъмурияти қатъий огоҳлантирилди. Сифатсиз маҳсулот дўконга қайтарилиб, харидорга пули ундириб берилди.

Мазкур бошқармага йил давомида савдо фаолияти билан боғлиқ юздан зиёд ариза ва шикоят тушди. Ҳуқуқлари бузилган барча истеъмолчиларнинг манфаатлари қонунан ҳимоя қилинди.

ОИЛА СПОРТИ

Республика Олий Мажлисида Оила ва аёллар муаммолари комиссияси томонидан "Маҳалла ва спорт: оилавий спорт ютуқлари ва муаммолари" мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Унда комиссия раиси Шарифа Салимова сўзга чиқиб, мустақиллик йилларида ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб етишиши учун республикамизда барча шарт-шароитлар яратиб берилаётганлигини, ёш авлод тарбияси давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланганлигини таъкидлади. Президентимизнинг "Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорининг қабул қилиниши республикамизда болалар спортини ривожлантиришга қаратилган эътиборни янада кучайтирди.

Анжуманда жорий йилдаги оилавий спорт мусобақаларида эллик мингдан зиёд оила иштирок этганлиги, "Соғлом авлод учун" жамғармаси томонидан аёллар спортини ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлаш, қизлар ўртасида бадиий гимнастика, синхрон сузиш, стол тенниси каби спорт турларини оммалаштириш мақсадида мусобақалар ўтказиб келинаётганлиги таъкидланди.

Шунингдек, оилавий спортни ривожлантиришда республикадаги мавжуд муаммолар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтилди. Айрим вилоятларда, маҳаллаларда спорт майдончаларини ташкил этиш ва уларни спорт анжомлари билан таъминлаш чора-тадбирлари кўрилмаганлиги сабабли жами 1367 та спорт майдончалари ташкил этилмаган. Вояга етмаганларнинг етмиш беш фоизи турли тўгаракларга, жумладан, спорт секцияларига жалб этилмаган. Маҳаллаларда бевосита ёшларни тарбиялаш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, улар орасида оммавий спорт тадбирларини олиб бориш каби вазифаларни бажарувчи педагог-тарбиячиларни лавозимга тайинлаш, уларнинг фаолиятини йўлга қўйишда айрим вилоятлардаги халқ таълими бошқармалари, оқсоқоллар кенгашлари, маҳалла жамғармалари томонидан амалга оширилаётган ишлар бугунги кун талаби даражасида эмас.

Анжуманда таъкидланишича, жорий йилда 43 минг 54 нафар вояга етмаганлар (уларнинг 26 минг 743 нафари умум таълим мактабларида, икки минг 679 нафари касб-ҳунар коллежи ва лицей ўқувчиси, ўн бир минг 400 нафари ҳеч қаерда ўқимайдиган ва ишламайдиган ўсмирлар) турли хил ҳуқуқбузарликлар содир этгани учун ички ишлар идоралари томонидан рўйхатга олинган.

Илмий-амалий анжуманда Республикада оилавий спортни кенг кўламда ривожлантириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

ПОЛВОНЛАР КОРЕЙСЧА КУРАШДИ

Пойтахтда шарқона яккакураш тури - сирим бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақаси якунланди. Сирим - корейсларнинг миллий кураш тури бўлиб, спортчидан куч, тезкорлик ва чаққонликни талаб қилади. Унда қўлланиладиган усуллар ўзбек кураши, дзюдо ва самбо усулларига жуда яқин.

Мамлакат кубоги учун кечган беллашувларда олтмиш тўрт нафар полвон тўрт вазн тоифасида куч синашди. Барча рақибларни доғда қолдирган О.Отабаев, Д.Қурбонбоев, Д.Рўзиев ва М.Тошев ўз вазн тоифасида биринчи ўринни эгаллади.

ВАТАНПАРВАРЛИК ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Навоий вилояти кенгаши «Оммавий ватанпарварлик тадбирлари ойлиги» муносабати билан вилоят халқ таълими бошқармаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний», «Маҳалла», «Шаҳидлар хотираси» жамғармалари билан ҳамкорликда қатор тадбирлар ўтказмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Навоий шаҳридаги ҳарбий қисмда бўлиб ўтди. Унда ойликни ўтказишдан мақсад ёшларни ҳар томонлама чиниқтириш, Ватанга садоқат ва муҳаббат руҳида тарбиялашдан иборат эканлиги қайд этилди. Аскарлар ўзларининг кўргазмали чиқишларини намойиш этди.

Бундай қизиқарли учрашувлар, суҳбатлар ва спорт мусобақалари маҳаллалар, мехрибонлик уйлари ва ўқув даргоҳларида ҳам бўлиб ўтмоқда.

Хабарлар оқимидан

МЕҲНАТ ВА РАҒБАТ

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги тизимида Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 февралда қабул қилган «Соғлом авлод» давлат дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Жумладан, мазкур Қарор ижросини таъминлаш ишига алоҳида ҳисса қўшаётган ходимларни ҳар томонлама рағбатлантириб бориш яхши анъанага айланган. Мазкур вазирликда ана шундай фаол ходимлар билан учрашув бўлиб ўтди. Маданият ишлари вазири Б.Қурбонов бошқарган тадбирда ёшларни Ватанга, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида, комил инсонлар этиб тарбиялаш борасидаги маданий-маърифий ишларни янада жонлантириш лозимлиги таъкидланди. Тадбирда соҳанинг бир гуруҳ илғор вакиллари - Тошкент шаҳридаги «Ором» боғча-мактаб мажмуи раҳбари Г.Қўчқорова, Республика давлат болалар кутубхонаси директори Ф.Бухорова ва Сурхондарё вилояти Узун туманидаги болалар мусиқа санъат мактаби директори А.Сатторовга вазирликнинг махсус мукофотлари топширилди.

ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР СОВҒАСИ

Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшма Марказий қўмитаси темирйўлчилар оилаларининг моддий-маиший шароитларини яхшилашга қаратилган ҳайрли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Тошкент туманининг А.Тўлаганов номидаги мактабда яқинда ўтказилган хайрия тадбири ўқувчиларни бефарқ қувонтирди.

Келес бекати яқинида жойлашган бу билим даргоҳи ўқувчиларининг кўпчилиги темирйўлчилар фарзандлари ҳисобланади. Давра суҳбати чоғида Марказий қўмита номидан уларга янги йил совғалари топширилди.

Шу билан бирга Келес шаҳрида истиқомат қилаётган кам таъминланган оилаларга ҳам моддий ёрдам кўрсатилди.

ЁШЛАР - ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Улғайиб келаётган авлодни соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашиш, йигит-қизларнинг ўз ақл-заковати, куч-ғайратини тўла намоён этишига кўмаклашиш «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг асосий вазифаларидандир.

Ташкилотнинг марказий кенгаши, вилоят, туман бўлимларида бу борада муайян ишлар амалга оширилаётир. Кам таъминланган оилаларнинг икки минг нафардан кўпроқ фарзандига, вояга етмаганлар назорати комиссияси ҳисобида турган ўсмирларга бепул дарсликлар, ўқув қуроллари, кийим-кечак, спорт анжомлари берилди.

Жойларда Меҳнат биржалари билан ҳамкорликда бўш иш ўринлари ярмаркалари ташкил этиляпти. Тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик натижасида вақтинча ишсиз юрган ўттиз икки минг нафардан зиёд ёш иш билан таъминланди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашининг жорий йил якунларига бағишланган йиғилишида шу хусусда сўз юритилди.

Тадбирда бир гуруҳ илғор ёшларга «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони топширилди.

ЎзА ва «Ишонч» мухбирлари

Қонун барчага баробар

«ИШОНЧ» ТЕЛЕФОНИ ЖИРИНГЛАДИ

Ҳамза туман давлат солиқ инспекциясининг «Ишонч» телефони тинимсиз ишлаб турибди. Камчиликларга муросасиз фуқаролар жойлардан қўнғирок қилиб, ноқонуний хатти-ҳаракатлар ҳақида маълумотлар бермоқдалар, ҳуқуқбузарликларни бартараф этишда солиқ хизмати ходимларига кўмаклашмоқдалар. Ҳучур Вартанянинг хонадонида ташкил этилган қўлбола вино цехи ва ошхона ҳам «Ишонч» телефонига тушган маълумот асосида фош этилди.

Мурғоб кўчаси 73-уйда истиқомат қилувчи Х.Вартанян пул топиш йўлларини яхши билади. Олдин уйда қўлбола вино тайёрлаб бироз бойиб олгач, ошхона ташкил этишга киришиб кетди. Арманча таомлар виносиз тановвул қилинмаслигини эслаб уй шароитида тайёрланган виноларнинг ҳар литрига 1200 сўмдан нарх қўйиб ошхонага ошира бошлади. Қарабсизки, вино цехи билан ошхона унинг учун «соғин сигир»га айланди қолди.

Солиқ хизмати ходимлари тезкор текширув ўтказган куни Х.Вартанян 45 литр винони сотиш учун ошхонага узатган экан. Ноқонуний маҳсулот дарҳол сотувдан тўхтатилди. Қўлбола цехга ҳам, ҳужжатсиз ошхонага ҳам қулф осилди.

Тумандаги Машҳадий кўчасида жойлашган «Гранд-Маскан» ошхонасида ўтказилган текширувда эса бошқа хил қонунбузарликлар аниқланди. Бу ерда хўрандалар тўлаган пулни назорат касса машинасидан ўтказиш одат тусига кирмаган экан. Текшириб кўрилганда, 1,7 минг сўм пулга чек урилмаганлиги, 12 минг сўм камомад борлиги, бир кун олдин 10 минг сўм накд пул НКМ хотирасига киритилмай, инсиз сигаретлар ва 20 литр қўлбола вино ҳам бор эди. Ҳаммаси далилий ашё сифатида олинди.

Шунга ўхшаш ҳолатлар М.Улуғбек тумани Ҳ.Абдуллаев кўчасида жойлашган хусусий тадбиркор Камолиддин Содиқхўжаевга қарашли дўконда ҳам кўзга ташланди. Сотувчи Ш.Зиёвиддинов солиқ хизмати ходимларининг кўзи олдида харидор қилган харид учун назорат касса машинасидан чек уриб бермади. Кейин маълум бўлишича, 30,4 минг сўм савдо тушуми НКМ хотирасига киритилмаган экан. Савдога қўйилган 870,3 минг сўмлик моддий товар бойликларининг қаерда тайёрланганлигини кўрсатувчи ва истеъмолга яроқлилигини тасдиқловчи ҳужжатлари йўқ эди.

Ноқонуний хатти-ҳаракатлар Тошкент вилоятида ҳам фош этилмоқда. Янгийўл туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари Гулбаҳор қўрғони бўйлаб рейд ўтказишганида фуқаро Ислом Исмоилов уй шароитида яширинча қолипли нон тайёрлаб сотаётганлиги маълум бўлди. Яширин цех ноябр ойининг охирларида ишга тушган экан. Қисқа вақт мобайнида 30 минг сўмлик нон тайёрланиб, сотилибди. Рейд ўтказилган куни ҳам 38 та қолипли нон сотувга тахт қилиб қўйилган эди.

Ислом нонни пишиқ ғиштдан қурилган қўлбола печда пиширарди. Печ рухсатсиз табиий газ қувурига уланган эди. Унинг ёнида 108 та темир қолип, 4 қоп биринчи навли ун тахлаб қўйилганди. Ҳаммаси ноқонуний бўлганлиги учун далилий ашё сифатида олинди.

Шундай ҳолатларни кўриб ҳайрон бўласан киши. Тадбиркорлик учун кенг йўллар очилган ҳозирги пайтда ҳамма иш қоидали қилинса бўлмайдими? Ноқонуний фаолиятнинг охири вой эканлигини наҳотки тушуниб етмасак. Яширин даромад барибир ошкор бўлишини тасдиқловчи мисоллар ҳар қадамда учраб турибди-ку. Афсуски, шу оддий ҳақиқатни англамай, ўзини чоҳга отаётган юртдошларимизни кўриб, уларга ачинасан киши.

Ж.НОСИРОВ

Касаба уюшмалари меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси

ДИВИДЕНТ БАРАКАСИ

Корхонамиз мамлакатимиздаги шифер ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган энг йирик жамоалардан ҳисобланади. Бу ерда кунига ўртача 30 минг дона шифер тайёрланмоқда. Маҳсулотга бўлган талаб кўпаймоқда. Инсон борки шинам уйим-жойим бўлсин дейди. Қурилиш учун эса энг кераклисидан бири шифердир. Мустақиллик йилларида иноқ жамоа ишчи-хизматчилари замонавий технологияни изчил жорий этиб, имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда иқтисодий кўрсаткичларни юксалтириб боришаяпти. Хусусан, бу йил 170 миллион дона шартли плита шифер ишлаб чиқариш режалаштирилган эди. Мўлжал ортиғи билан адо этилди.

Корхона маъмурияти, касаба уюшма қўмитаси инсон омилига эътиборни кучайтирган. Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришни намунали йўлга қўйиш юзасидан аниқ тадбирлар амалга оширилаяпти. Мураккаб жараёнларни бошқараётган, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга алоҳида ҳисса қўшаётганлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб борилмоқда. Кайфиятга кўп нарса боғлиқ, деб бежиз айтишмайди. Агар ишчи-хизматчининг кайфияти жойида бўлса, эришилаётган натижалардан, ҳаётидан кўнгли тўлса, берилиб ишлайди, ташаббуслар билан майдонга чиқади. Шунинг учун ҳам ўтган йилни бир ярим миллиард сўм соф фойда билан якунладик. Ҳар бир акцияга 2450 сўмдан дивидент тўланди. Эътиборлиси шуки, бир акциянинг номинал қиймати 100 сўмдан 1000 сўмга кўтарилди. Корхонамиз ишлаб чиқаришдаги ютуқлари эвазига вакилларимиз Париждан халқаро мукофот олиб қайтишди.

Тармоқда ислоҳотлар изчил амалга оширилаяпти. Корхона ҳиссадорлик жамиятига айлантирилганидан сўнг, одамларнинг ишга, пировард натижага бўлган масъуллиги янада кучайди. Ишловчилар кайфияти, орзу-интилишларини билиш касаба уюшма фаоллари учун жуда муҳим. Шу боис дилдан суҳбатлар уюштирилади.

– Яхши ният билан 803 та акция сотиб олгандим, - дейди ҳайдовчи Юнус Султонов. – Мўмай дивидент олгач, уйжойимни таъмирлашга киришдим. Қолган маблағга керакли жиҳозлар харид қилдим. Барча ҳавас қиладиган корхонада ишлаётганимдан бағоят ҳурсандман.

– Оиламизни ишчилар сулоласи дейишади, - фикрини ифодалайди таъминот бўлими ходими Абдуқаюм Боиров. – Шу ерда иқтисодчи бўлиб ишлаётган ўғлим Обиджон 705 та акция сотиб олганди. Шундан кейин қўлимиз мўмай пул кўрди. Уйлар қурдик, тўйлар қилдик.

Машинист Абдусодиқ Ғойназаров эса дивидент ҳисобидан ажойиб от сотиб олганлиги, рўзғорини бут қилганлигини мамнуният билан таъкидлади. Меҳнат ютуқлари замирида жонкуяр, ташаббускор кишиларнинг фидойи меҳнати ётади. Корхона раҳбару мутахассислари бир ёқадан бош чиқариб барчани мақсад сари бирдек сафарбар қилишга эришишмоқда. Бундан ташқари, ёнатрофда кенг миқёсда бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Яқинда 16 нафар фахрийлар Бухоро шаҳри бўйлаб туристик саёҳатда бўлишди.

Биз ёш, малакали ишчиларни тайёрлашга алоҳида эътибор бериб келаяпмиз. Бу йил ёшлар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таҳсил олишлари учун 15 миллион сўм маблағ режалаштирилган. Касб байрамларида турли мусобақалар, қизиқарли учрашувлар ўтказиш анъанага айланган. Ижтимоий ҳимоя қамрови кенгайиб бораяпти. Ҳар бир ишчига тушлик, сут маҳсулотлари учун қарийб минг сўмлик бепул чипта берилади. Яхши ишлардан бири – иш жойлари кўркам, ҳар томонлама ишловчи учун қулай бўлишига эътибор қаратилганлигидир. Ободончилик ва маънавият масалалари бўйича «Энг яхши цех» танловини ўтказишга қизғин тайёргарлик кўрилаётир. Танловда биринчи ўринни эгаллаган жамоа 300 минг сўм пул мукофоти билан тақдирланади. Таъкидланганидек, ходимлар яхши ишлаш билан бирга хайрли ташаббуслар билан майдонга чиқишмоқда. Унга асосан ярўқсиз шиферлар майдаланиб, шлакаблок ҳолига келтирилмоқда. Бу тежамкорликни таъминлаш, иқтисодиётни юксалтириш омили бўлмоқда. Айни кунларда черепица цехини ишга тушириш юзасидан жадал иш олиб борилмоқда.

О.ХУШНАЗАРОВ,
Тошкент вилоятидаги «Оҳангароншифер» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси

Тадбиркорлик — давр талаби

ЖАҲОН СТАНДАРТИГА МОС

Шаҳрисабз консерва ҳиссадорлик жамиятида иқтисодий ислоҳотларни илмий асосда ташкил этилганлиги учун рақобатбардош, жаҳон стандартларига мос юқори навли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Шу туфайли хорижий инвесторларни ҳамда республика микёсидаги мижозларнинг талаб ва эҳтиёжлари тобора ортиб бормоқда.

Амалга оширилаётган муҳим тадбирлар натижасида жамият аъзолари жорий йилнинг 10 ойида 2 миллиард 197 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариб, режани 105.2 фоиз қилиб бажардилар.

Завод жамоаси 500 минг долларлик маҳсулотни чет элга экспорт қилди. Меҳнат унумдорлиги ошди. Жамият аъзоларининг аҳиллик билан иш тутаётганликлари натижасида фойда олиш режаси ҳам ошириб ўринлатилди. Жорий йил охирида 50 миллион сўм маблағ акциядорларга диведент ҳисобида ажратилди.

Ҳозирги вақтда корхонада 25 турдаги мева, 83 хил маҳсулот ишлаб чиқарилаётир. Ишлаб чиқаришга янги технологияни жорий қилиш, барча цехдаги техникаларни ўз вақтида таъмирлаш кўнгилдагидек олиб борилмоқда.

Томат цехидаги мослама қайта реконструкция қилинди. Шунингдек, лаборатория бошлиғи Гулшода Лусанова, бош муҳандис Алишер Темиров ва цех раҳбарлари иштирокида ижодий кенгаш ташкил этилган. Улар маҳсулот сифатлилигини таъминлаш мақсадида уни пухта назоратдан ўтказишмоқда.

Шунингдек, мазкур кенгаш аъзоларининг таклифи асосида кичик ҳажмдаги пластмасса идишларга маҳсулот ва шарбатларни қадоқлаш ташкил этилмоқда. Юқоридаги янги технологиялар асосида иш яхши ташкил этилганлиги туфайли 6 миллион сўмга яқин маблағ иқтисод қилинди.

– Жамоамиз бозор иқтисоди шароитида изланмоқда, – дейди — Олий Мажлис депутати, жамият раиси Неъмат Исмоилов. — Ислоҳотларни чуқурлаштириш, тадбиркорлик фаолиятини кенг авж олдириш, янги технологияни жорий қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириб, ишчиларнинг моддий манфаатдорлиги яхшиланмоқда.

Корхонамизда хўжаликлар билан алоқани мустаҳкамлаб, шартномага асосан қабул қилинадиган маҳсулотлар учун 15 фоиз тўловни олдиндан амалга оширдик. Яъни, ширкат ва фермер хўжаликларга 230 минг сўм аванс пули бериб қўйдик. Топширилган маҳсулотлар учун ҳар 10 кунда тўловлар амалга оширилмоқда. Улар ўз вақтида уруғлик, техника ва эҳтиёт қисмлар билан таъминланди. Натижада тумандаги Жўра Элбоев, Парда Шербобоев, Гулистон, Улуғбек номли, Қитоб туманидаги Китоб, Навоий номли хўжаликлар маҳсулотларни шартномавий режалардан ҳам ошириб бажардилар.

Корхонада ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш ҳам яхши йўлга қўйилган. Уларга бепул автобус хизмати ташкил этилган. Жамоанинг барчаси бепул иссиқ овқат билан таъминланган. Кам таъминланган ишчиларга 2 миллион 100 минг сўм моддий ёрдам берилди. 182 нафар кишининг яшаш шароитлари тўғрисидаги аризалари тўлиқ қаноатлантирилди. 42 нафар ишчи санаторийларда соғломлаштирилди. Корхонанинг саломатлик марказида 450 нафар ходим корхона маблағи ҳисобидан даволанишди. Завод ишчиларининг 115 нафар фарзанди оромгоҳларда дам олишди.

Ҳа, корхонада ишчиларнинг самарали меҳнат қилишлари учун шарт-шароитлар яратилган. Корхона ҳисобидан ҳамма қулайликларга эга бўлган спорт комплекси ишга туширилди. Абдулла Қаххор, Жомий номли ўрта мактаблар янги ўқув йили олдидан сифатли таъмирланди. Замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган шифохона, профилакторий, аёллар хонаси, ошхона, чойхона ишчилар хизматида. Клуб, кутубхона, савдо дўконлари ишлаб турибди. Бир сўз билан айтганда Шаҳрисабз консерва ҳиссадорлик жамияти жамоаси аҳиллик билан ҳалол меҳнат қилаётганликлари натижасида корхонанинг иқтисоди тобора мустаҳкамланиб, ишчиларнинг моддий манфаатдорлиги ортиб бормоқда.

Х.ТЎРАЕВ

Денов туманидаги "Хайробод маъданли суви" ишлаб чиқариш корхонаси Европа тикланиш ва тараққиёт банкидан республика "Пахтабанк"и орқали қиймати 83 минг 500 доллар миқдорида кредит олганига икки йил бўлди.

КОРХОНА ҚОШИДАГИ ФИРМА

-Маблағ тайин бўлса, ишлар ҳам олға силжир экан,- деди корхона раҳбари Тўлқин Турдиев.- Маблағ ҳисобида яхна ичимликлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган ускуналар келтириб ўрнатдик. Айни пайтда корхонада беш турдаги яхна ичимликлар ишлаб чиқарилмоқда.

Жорий йил охирида корхона қошида "Интилиш XXI аср" деб номланган кўп тармоқли фирма ташкил этилди. Унга Раҳимжон Ҳайдаров раҳбарлик қиляпти. Фирма чиқинди қоғозларни қайта ишлаш йўли билан ҳар куни учминг донага яқин хўжалик қоғозлари ишлаб чиқармоқда.

Т.Турдиевнинг таъкидлашича, янги йилдан полиэтилен плёнкалар тайёрлаш йўлга қўйилади. Чунки бугунги кунда бундай маҳсулотларга эҳтиёж катта. Шунингдек, бу қўшимча ишчи ўринлари яратилди деганидир.

"Туркистон-пресс"



Бугунги кунда Янгийўл шаҳрида «Янгийўл сут» қайта ишлаш корхонасининг алоҳида ўрни бор. Негаки, бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатли ҳам харидоргир.

Ҳозирда бир маромда ишлаб турган замонавий ускуналарда хорижникидан қолишмайдиган 8 хил турда сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Корхонада жорий йилнинг ўтган ойлари давомида 350 тоннадан ортиқ маҳсулот қайта ишланиб, 100 миллион сўмлик неъмат истеъмолчиларга етказиб берилди.

Суратларда: корхона ходимлари иш фаолиятидан лавҳалар.

ОРТИҚЧА ХАРАЖАТ БАРҲАМ ТОПДИ

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Шайхонтоҳур-текстил» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси маҳсулотларига талаб тобора ортиб бормоқда. Бу ишлаб чиқариш қўламини янада кенгайтиришни тақозо этяпти. Шу мақсадда Андижонда унинг шўъба корхонаси барпо этилди. У ерга Япония ва Туркиянинг энг замонавий тикув ҳамда бўяш дастгоҳлари ўрнатилди. Корхона янги йилда ишга туширилади.

«Шайхонтоҳур-текстил»да хом ашё - ип-газламаларни бўяш бошқа корхоналарда амалга оширилар эди. Шўъба корхона ишга тушгач, бу ишлар шу ернинг ўзида бажарилиб, ортиқча сарф-харажатга чек қўйилади. Ҳозир қўшма корхонада 500 нафар ишчи меҳнат қилаётган бўлса, шўъба корхонада ҳам ана шунча иш ўрни ташкил этилади.

- Ҳозир қишки кийим-кечак, болалар учун иссиқ трикотаж ва спорт кийимларининг янги моделлари тикилмоқда, - деди қўшма корхонанинг маркетинг бўлими бошлиғи Абдулвоҳид Иброҳимов ЎзА мухбирига. - Улар экспортга ҳам чиқарилаяпти.


БАЙРАМОЛДИ ЯРМАРКАСИ

Бухоро вилоятидаги ширкат ва фермер хўжаликлари, «Бухоро чорва маҳсулоти» масъулияти чекланган жамияти ҳамда «Шоҳруд» ҳиссадорлик жамияти ҳамкорликда Тошкент шаҳридаги «Сирғали деҳқон бозори»да байрамолди савдо ярмаркасини ташкил этди.

Бухороликлар пойтахт аҳлининг янги йил дастурхонига 30 тонна полиз, 84 тонна сабзавот, 36 тонна хўл мева, шунингдек, кўп миқдорда асал ва гўшт маҳсулотлари тақдим этди.

31 декабргача давом этадиган бундай янги йил олди ярмаркалари пойтахтимизнинг бошқа бозорларида ҳам ташкил этилди. Уларда вилоятлардан келтирилган сархил қишлоқ хўжалик махсулотлари сотилмоқда.

(ЎзА)



МУРУВВАТ ЁРДАМИ

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Америка Қўшма Штатларининг «Ameri Cares» халқаро мурувват ташкилоти ҳамда Германиянинг «Fredens dorf international» халқаро ташкилотидан навбатдаги мурувват ёрдамини қабул қилиб олди.

Мурувват юки 500 минг АҚШ доллари миқдоридаги турли дори-дармон ва тиббий жиҳозлар ҳамда болалар витаминларидан иборат.

Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида барча мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотлар, хўжалик ва бирлашмалар раҳбарлари ходимларга иш ҳақи вақтида ва тўлиқ тўланиши учун шахсан жавоб бериши ва муддати ўтказиб юборилган қарзлар вужудга келган ҳолларда эса айбдор шахсларнинг жиноий жазолашгача жавобгарлиги белгилаб қўйилган.

Шу боис Қашқадарё вилоят прокуратураси, касаба уюшмалари кенгаши иш ҳақи қарздорлигини қопланишини таъминлаш чора-тадбирларини амалга оширмоқдалар. Шунга қарамасдан бу соҳадаги муаммолар ҳали ечимни топгани йўқ.

Айрим раҳбарлар «Олма пиш оғзимга туш» қабилида иш кўриб, юқоридаги қарор ижросини таъминламаяптилар.

Маошларни вақтида тўламаслик ҳолларига йўл қўйганлиги учун вилоятдаги 200 дан ортиқ раҳбарга маъмурий ва интизомий чоралар кўрилди.60 миллион сўмлик иш ҳақини ундириш бўйича даъво аризалари киритилди.

Айниқса, ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати тизимида аҳвол яхши эмас. «Муборакнефтгаз» унитар шуъба корхонасида, «Ўзбурғунефтгаз» акционерлик компаниясида, «Муборакнефтгазмонтаж» корхонасида иш ҳақидан қарздорлик мавжуд.

Кейинги пайтларда аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш сифати пасайиб кетди. Қишга тайёргарлик сусткашлик билан олиб бориляпти. Фуқароларга ичимлик суви етказиб беришда узилишлар содир бўляпти. Чунки вилоят ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси ходимларга 208 миллион сўмлик, Қарши «Сувоқава» корхонаси 102 миллион сўмлик иш ҳақини тўлагани йўқ. Бир вақтлар доврўғи мамлакатга ёйилган «Кумуш» ҳиссадорлик жамиятида иш ҳақидан қарздорлик 92 миллион сўмдан ошиб кетди. Бунга асосий сабаб жамиятда мавжуд имконият ва резервлардан тўлиқ фойдаланолмаётганлиги, касаба уюшма қўмитасининг қатъий талабчанлик билан иш тутмаётганлигида. Корхона ҳисоб рақамида маблағ бўлишига қарамасдан «Уйжойжамғармабанкнинг» Шаҳрисабз туман бўлими истеъмолчиларни нақд пул билан таъминламаган.

«Қашқадарёқурилиш» масъулияти чекланган, «Вилжамхужқурилиш», «19-Қашқадарёдеҳқонқурилиш» очиқ ҳиссадорлик жамиятлари раислари Б.Тўлаев, О.Маманазаров ва Х.Тожиевлар Меҳнат Кодекси талабларини унутган кўринишади. Айни пайтда юқорида номи тилга олинган ташкилотларга бажарган қурилиш-ускуналаш ишлари учун маблағлар ундирилмаганлиги, маошларнинг кечикишига сабаб бўляпти.

Вилоятдаги бюджет муассасаларининг маблағлари тўлиқ молиялаштирилганига қарамасдан халқ таълимида, соғлиқни сақлашда маошдан қарздорлик ўсган. Жумладан, Китоб тумани марказий шифохонаси, Яккабоғ туман соғлиқни сақсалари ва иш берувчиларга расмий мурожаатлар, тақдимномалар, судларга даъво аризалари киритиш амалиёти қўлланилиб келиняпти. Бундай мурожаатлар натижасида корхоналар ишчилари 1724 миллион сўм иш ҳақини олишга муваффақ бўлишди.

Маошларнинг вақтида тўланмаётганлиги меҳнат унумдорлигига, ишчи-хизматчиларнинг кайфиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарларини иш ҳақини ўз вақтида тўлаб борилишини таъминлаш масъулиятини ҳис этмаяптилар.

Тузилган жамоа шартномаларида маошларни берилиши билан боғлиқ вазифалар аниқ ва равшан кўрсатилган. Бироқ касаба уюшма ташкилотларининг ходимлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти ҳам сусайиб кетган. Айрим касабақўмлар иш ҳақи тўланишини ташкил этишда жамоатчилик назорати таъсиридан самарали фойдаланмаяптилар.

Кўрилган чора-тадбирларга қарамасдан тўловлар ҳамон кечикмоқда...

И. ТИЛЛАЕВ

«Ишонч» фош этади

ИШ БЕРУВЧИГА ҲАҚЛИ ЭЪТИРОЗ

СУРХОН УНИ

Шароф Рашидов номидаги "Шўрчидонмаҳсулот" акциядорлик жамиятининг довруғи тобора кенгрок ёйилмоқда.

- Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатлилиги унинг харидоргирлигини оширмоқда, - деди акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Омон Чўтов "Туркистон-пресс" мухбирига. - Бугун корхона ўз маҳсулотлари билан нафақат Сурхондарё вилоятини, балки қўшни вилоят ҳамда хорижий мамлакатларни ҳам таъминлашга ўтди.

Жорий йилда 41 минг тонна олий ва биринчи навли ун ҳамда юқори сифатли макарон ишлаб чиқаришга эришилди. Айни бир пайтда унни хорижга сотиш ҳам кенг йўлга қўйилди.

Ўтган олти ойда корхонада ишлаб чиқарилган уннинг бир қисми қўшни Тожикистон ҳамда Афғонистонга сотилди. Бу эса хорижга экспорт қилинаётган ун маҳсулотининг 60 фоизини ташкил этади. Ўз навбатида чет давлатларга сотилган ундан катта миқдорда даромад ҳам кўрилди.

Меҳнат муҳофазаси

НАФАҚАНИ МОЛИЯЛАШНИ УНУТИШИБДИ...

«Пахтакор» пахта тозалаш очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида 220 киши меҳнат қилади. Касабақўм раиси Даврон Ҳамроевнинг ушбу лавозимда иш бошлаганига олти ойдан кўпроқ вақт ўтди. Жамоа янги раисдан кўп нарса кутган эди. Негаки, корхонада сўнгги пайтларда ойлик маош вақтида берилмас, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи сезиларли тарзда ёмонлашиб қолганди.

Шу боис бу борада жамоада жиддий ўзгариш сезилмади. Устига-устак жамоа шартномаси йўққа чиқарилди. Ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Корхона раҳбари эса қулоғи тинчиганидан хурсанд.

Биргина мисол. Меҳнатни муҳофаза қилиш мақсадида сарфланадиган маблағ йил сайин камайиб бориши оқибатида зарур махсус кийим-бош деярли олинмаган. Қишга тайёргарлик ишлари ўлда-жўлда қолиб кетди. Ҳатто тунги сменада ишловчи ходимларга озиқ-овқат, сут-қатиқ берилмаяпти.

Биз раҳбар ҳамда бош муҳандисни иш ўрнида топа олмагач, касабақўм раиси Д.Ҳамроев ҳамроҳлигида ишлаб чиқариш жараёни билан танишдик. Меҳнат муҳофазаси бўйича аҳволни ўрганаётганимизда техника хавфсизлиги муҳандиси Шодибой Эрназаров ҳамда 1-ишлаб чиқариш бригадаси бошлиғи Абулқосим Анорбоев қаёққадир ғойиб бўлишди. Қанчалик уринмайлик, уларни топиб бўлмади.

Пахтани узатиш цехида тўрт нафар ишчи ишлайди. Барча жараён қўлда бажарилаяпти. Ишчи Анвар Анорбоевнинг таъкидлашича, маошлар вақтида берилмаяпти. Корхона бугун ундан 100 минг сўмдан ортиқроқ қарздор бўлиб қолган. Ишлаётганига етти йилдан ошсада, бирор марта сиҳатгоҳда бўлмаган. Ушбу цехда пахтани ҳаво билан сўриб олувчи жиҳоз-трубалар бир-бирига маҳкамланмай ишлатилиши техника хавфсизлиги қоидаларига зиддир. Йўлчи Жабборов эса корхонада тракторчи бўлиб ўн йилдан буён меҳнат қилади. 6 нафар фарзанди бор. Махсус кийим-бош, сут-қатиқ қачон берилганини кўпчилик қатори у ҳам эслай олмади.

Ишчи Шавкат Аҳмедов улкан ромларнинг ойнасиз туйнукларидан қишнинг қаҳратон изғирини елвизак бўлиб турганига ишора қилди. «Раҳбарларга қайта-қайта айтавериб чарчадик. Жуда бўлмаса ойна ўрнига полиэтилен парда қоплаб берса ҳам бунчалик совуқ бўлмасди», дейди у совқотган қўлларини бир-бирига ишқалаб. Лентада тинимсиз оқиб келаётган пахта хом ашёси тозалаш цехида турли чиқитлардан ҳоли қилиниб, жин цехига узатилади. Тўрт киши ишлайдиган мазкур цех чанг-тўзонга тўла. Ишчилар шундай шароитда респиратор у ёқда турсин, дока боғичга ҳам эга эмас. Лентани ҳаракатга келтирувчи улкан мотор атрофи махсус тўсиқсиз ишлаб турибди. Бу аҳволни кўриб ишлаб чиқариш жараёнида олинаётган турли хил жароҳатланишларнинг ортиб бориши шу каби лоқайдлик ва эътиборсизлик оқибатидалигини кўз олдимизга келтирдик.

Иш вақтида у ёки бу тарзда шикастланиш ёки жароҳатланиш туфайли ҳозирда корхона ҳисобидан 7 киши нафақа олиб келади. Лекин корхона маъмурларининг масъулиятсизлиги туфайли уларнинг нафақалари ўз вақтида молиялаштирилмаяпти. Бу эса ногиронларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

А.АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири
Жиззах вилояти

«Авесто» – бу мангу китоб

1.ТЎҚ ВА ФАРОВОН ЯШАШ ВОСИТАСИ

«Авесто» у ғоят кенг қамровли, одамлар ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган асар. Унда иқтисодий муносабатлар ҳақида ҳам ажойиб фикрлар, бизнинг бугунги бозор иқтисодиётига ўтиш даврига мос келувчи ғоялар ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, мулкий муносабатлар ҳақидаги фикрлар ҳайратланарли бўлиб, мулкдор бўлишлик яхши фазилат эканлиги алоҳида кўрсатилган. Бу фикрни қуйидаги ғоялар тасдиқлайди: «Кимнинг уйи бўлса, у уйсиз бехонумон одамдан яхшироқдир. Кимнинг дунёси бўлса, у ҳеч вақоси йўқ гадодан афзалдир». («Авесто», Т., 2001 й, 121-бет).

Гап шундаки, мулкдор одам тўқ бўлади, у душманларига қарши курашганда бардош бера олади, ёвуз кучларга қарши тураолади, уларни енгаолади. Масаланинг моҳияти шуки, мулкдор одамлар иқтисодий жиҳатдан шунчаки бақувват бўлмай, айни чоғда улар иқтисодий эркиндир, улар ўз фаолиятини ўзи мустақил белгилайди. Бошқаларга мute бўлмайди.

«Авесто»нинг бу иқтисодий ғояси кейинчалик жуда кўп буюк аждодларимиз томонидан ривожлантирилди, бойитилди. Жумладан, Абу Наср Фаробий «Фозил кишилар шаҳри» (Т.,1991 й) асарида уқтирадики, «Мулк ортишида унчалик хавф йўқ, аммо уни эҳтиёт қилиб сақламоқ керак. Агар бошқа бировлар ҳисобига мулк орттирганлар жазоланмасалар, у ҳолда шаҳар аҳолисидан инсоф ва шуҳрат йўқолади. Мулкни эҳтиёт қилиб сақлаб ўз эҳтиёжи учун ишлатса, бу ёмон одат ҳисобланмайди». (47-бет). Фаробий давом этиб ёзадики, «одамларнинг мулксиз бўлиб қашшоқ яшаганидан кўра, мулкдор бўлиб бойроқ бўлиб яшагани афзалроқдир». Кўриниб турибдики, Фаробий қарашлари «Авесто» ғоялари билан ғоят ҳамоҳангдир.

«Авесто»нинг мулкий муносабатлари борасидаги ғоялари Ўзбекистонда ўтказиладиган иқтисодий ислоҳотлар мақсадлари билан ҳам мос тушишини таъкидлашни истар эдик. Зеро бозор иқтисодиётига ўтиш-тўқ ва фаровон яшаш воситаси сифатида фуқароларнинг мулкдор бўлишларини тақозо этади. Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» (Т., 1997 й) асарининг «Бозор муносабатларининг қарор топиши ва мулкдорлар синфининг шаклланиши» номли қисмида шундай сатрлар мавжуд:

«...Аҳоли орасида ҳақиқий мулкдорлар ўрта қатламининг кўпчиликни ташкил этиши мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни орқага қайтариш имкониятларини бартараф этишнинг кафолати ҳисобланади. Шу сабабли биз иқтисодий ўзгаришлар жараёнини республикада ўрта мулкдорларнинг чинакам синфини шакллантиришдек долзарб вазифани ҳал қилиш билан боғламоқдамиз. Одам ўзини чинакамига мулкдор деб ҳис этмас экан, ўз ҳуқуқлари учун, пировард натижалар ва ишлаб чиқариш самарадорлиги учун мулкдор сифатида курашмайди. Жамиятда барқарорликни сақлаб қолиш ва ҳимоя қилишга интилмайди» (кўрсатилган асар, 196-197 бетлар).

Дарҳақиқат, мулкдор одам ҳеч нарсага бефарқ, лоқайд қарамайди, ўз мулкини, Ватанини ҳимоя қилади, ҳаётга очиқ кўз, манфаат билан қарайди. «Авесто» тили билан айтганда, мулкдор одам адолатсиз ҳукмдорга, адолатсиз тақсимот механизмига, ёмонликка қарши бош кўтаради. Мулкдор бўлишлик ғоясининг ғоят чуқур фалсафий-маънавий мазмуни ана шундай.

Асардаги иқтисодий муносабатларнинг яна бир долзарб масаласи – кредитга оид фикрлардир. «Авесто»да қарз бериш, қарз олиш одамлар ўртасидаги хаётий муносабат эканлиги уқтирилиб, олинган қарз ва омонатга хиёнат қилмаслик таъкидланади. Фикримиз исботи учун қуйидаги жумлаларни келтирамиз: «...Ҳеч ким ўз қўшнисидан олган омонатидан тониб, ёлғон сўйламасин» (Ўша жойда, 121 бет).

Китобда одамларнинг бир-бирлари олдидаги мажбуриятлари, шартнома, аҳдномалари муқаддас ҳисобланиб «қасам» билан мустаҳкамланган. Қасамлар бир-биридан масъулиятлироқ, мустаҳкамроқ бўлиб, уларнинг ҳар бирининг бузилиши ўзига хос қийматга (баҳога) эга, яъни қасамни бузганлик иқтисодий жиҳатдан маълум жарима билан жазоланиши белгилаб қўйилган. Қуйида ана шу қасамларни айнан келтирамиз:

«Ахура Мазда жавоб беради:
- Менинг қасамларим олтита:
биринчи - сўз қасами;
иккинчи- қўл қасами;
учинчи - қўй қасами;
тўртинчи - сигир қасами;
бешинчи - одам қасами;
олтинчи - экин қасами, энг яхши, энг одоб, энг серҳосил заминдаги экин» (Ўша жойда, 117 бет)

Бунда қўй қасамининг баҳоси битта қўй қийматига тенг бўлган; қўл қасамининг маъноси томонларнинг қўл қисиши билан шартлашганлигини билдирган. Кўриниб турибдики, қасамлар таркибида энг катта қасам - экин қасамидир, шунчаки эмас, балки «энг яхши, энг серҳосил заминдаги экин» қасамидир. Бундай қасам шартнома маъносини билдиради, томонларнинг ўзларига олган мажбуриятларини акс эттиради. Ўз аҳдини бузган томон «энг серҳосил заминдаги экин» қиймати даражасида, тавон тўлаган. Экин қасамини бузиш тўққиз юз қамчин аснаҳих - ашантра билан, «тўққиз юз қамчин саравуш - чарана билан савалаш» орқали жазоланиши қатъий белгилаб қўйилган.

Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қасамларнинг энг зўри, масъулияти, иқтисодий жазоси кучлироғи «экин қасамидир». Албатта, бунда Ахура Мазда томонидан илгари сурилган илоҳий маъно бор. Бу маъно шуки, деҳқончилик маҳсулоти, деҳқончилик меҳнати барча меҳнат турлари ичида мўътабарроқ, улуғроқ эканлигидир.

Маълумки, шартнома маълум иқтисодий вазифаларни, мажбуриятларни ўз зиммасига олишни билдиради. Зардуштийлик динида инсон лабзи, унинг бир-бирига берган аҳди (қасами) яратганнинг олдидаги қандайдир фарз амалидек кучга эга бўлган. Бизнинг ислом адабиётларимизда, хусусан «Мухтасар» асарида ижара муносабатлари хусусида гап борганда худди юқоридагидек масъулият юклатилган. Масалан, унда ёзилишича, ижара муносабатлари қарз мажбурияти - кредит бериш маъносини билдиради, яъни «ижара олувчига ижара ҳақини ўша заҳотиёқ бермоқ вожиб эмас...» деган илоҳий қоида ёзилган. Албатта, бундай иқтисодий муносабат - ижара тўловининг кечиктирилиши кредит олувчининг иқтисодий - ижтимоий аҳволини енгиллаштирган. Яна шу нарса муҳимки, исломий қоидага мувофиқ мулк ижарага олинган бўлса-ю, ундан фойдаланилмаса ҳам ёки ижара ҳақи даражасида ҳам ундан самара олинолмаган бўлинса ҳам ижара ҳақини тўлаш, мулкни бус-бутун қайтариш мажбурияти юкланган. (Қаранг. «Мухтасар» Т, 1994 й. 189. бет).

Қодиржон ЙЎЛДОШЕВ,
иқтисод фанлари доктори,
профессор,
Қиёмидин МУФТАЙДИНОВ,
иқтисод фанлари номзоди,
доцент



Каттақўрғонлик тадбиркор Фахриддин Йўлдошев укалари билан қишлоғи Ойжонда мўъжазгина – пластмасса қувурлари ишлаб чиқарадиган корхона очди. Сув ва табиий газ таъминотида керакли бўлаётган мазкур маҳсулотга талаб кун сайин ортмоқда.

Пластмасса қувурлари чидамлилиги, узоқ муддат хизмат қилиши билан ҳам харидорларга манзур бўлмоқда.

Тадбиркорлар савоб ишни ҳам унутишмайди. Қишлоқдаги Рудакий номли мактабга табиий газ ўтказиб беришди, ёрдамга муҳтож, ногирон ҳамда қаровсиз қолган қариялар ҳолидан хабар олиб туришади.

Суратда: тадбиркор Ф.Йўлдошев.

Т.НОРҚУЛОВ
(ЎзА) олган сурат

ЯНГИ ЙИЛ КЎЧМА АРЧАСИ

Янги йил байрами кунларида пойтахт маҳаллалари, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва ногирон болалар учун кўчма арча байрамлари ўтказилиши режалаштирилмоқда. Шу муносабат билан "Бунёдкор" ёшлар клубида матбуот анжумани ўтказилади.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши яқинлашиб келаётган 2004 йил "Меҳр ва мурувват йили" муносабати билан бир қатор хайрия тадбирларини ўтказмоқда. 25-28 декабр кунлари Тошкент шаҳридаги ногирон болалар учун ўтказиладиган "Янги йил қутлови 2004" тадбири ҳамда 2004 йилнинг 3 январидан 10 январигача Тошкент шаҳри маҳаллаларида бўлиб ўтадиган кўчма янги йил арчаси тадбирлари шулар жумласидандир.

Бундан ташқари шаҳар ҳайвонот боғида байрам томошаларини ташкиллаштириш ва кам таъминланган оилалар фарзандларига бепул чипталар бериш, Зангиота, Ҳамза туманларидаги болалар аҳлоқ тузатиш муассасаларида янги йил томошаларини ўтказиш режалаштирилган.

КУЛОЛНИНГ ЮЗ ЙИЛЛИГИ

Бадиий академиянинг марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон халқ рассоми Муҳиддин Раҳимовнинг юз йиллигига бағишланган кўргазма очилди. Кўргазмадан юзга яқин асарлар жой олган.

Муҳиддин Раҳимовнинг Самарқанддаги Тиллақори ва Шердор мадрасаларини таъмирлашга жалб қилиниши ўз ишининг моҳир устаси эканлигидан далолатдир. Кулол нафақат амалий, балки илмий ишлар билан ҳам шуғулланган. Кўп йиллар давомидаги изланишлари натижасида "Ўзбекистон бадиий кулолчилиги" номли китоби чоп этилди.

Уста-кулол ўзининг ижодий фаолияти давомида кушонлар ҳамда темурийлар даврига тааллуқли сопол буюмларни ўрганган. Ушбу меҳнатлари эвазига у Ўзбекистон халқ рассоми унвонига сазовор бўлди. Устанинг ижодий ишлари дунёнинг бир қанча йирик музейларидан жой олган, хусусан Ўзбекистон бадиий академиясининг марказий залларида ҳам кулолнинг энг сара асарларини кўриш мумкин.

"Туркистон-пресс"

Табиат ва биз

Давлат миллий табиат боғлари билан боғлиқ бўлган барча экологик-ҳуқуқий масалалар Ўзбекистон Республикасининг «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари тўғрисида»ги қонуни билан тартибга солинади. Жумладан, ушбу қонуннинг III бўлим 15-18 моддаларида миллий боғларнинг таърифи ва вазифалари аниқ-равшан белгилаб берилган.

МИЛЛИЙ БОҒЛАР
қонун ҳимоясида

Унга кўра давлат миллий боғлари табиатни муҳофаза қилиш муассасаси ҳисобланиб, уларнинг ҳудудлари алоҳида экологик, ва эстетик қимматга эга бўлган ҳамда рекреация, маърифат, илмий-маданий мақсадларда фойдаланишга мўлжалланган табиий мажмуаларни қамраб олади. Мазкур муассасалар зиммасига шикаст етган табиий мажмуаларни тиклаш, тарих, маданият, меъморчилик обидаларини сақлаб қолиш ҳамда туризм, экскурсия ва дам олишни ташкил қилиш вазифалари юклатилади. Бундан ташқари, миллий боғлар томонидан мавжуд табиий заҳираларни тежалган ҳолда экологик жиҳатдан илғор технологияларни қишлоқ хўжалиги, саноат, ва бошқа фаолият турларига жорий этишда кўмаклашилади. Бунинг учун илмий тадқиқотлар ўтказиш билан бирга малакали мутахассис-кадрлар тайёрлашга ҳам катта эътибор қаратилади.

Албатта, ушбу вазифаларни бажариш бевосита миллий боғларни ташкил этиш ва уларни бошқариш жараёнлари билан узвий боғлиқ. Дарвоқе, Вазирлар Маҳкамаси миллий боғларни ташкил этиш тўғрисидаги қарорини манфаатдор идораларнинг Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишиб киритган тақдимномасига кўра қабул қилади.

Миллий боғларни бошқариш тасарруфига олинган давлат қўмитаси ёки идора томонидан амалга оширилади. Муассаса юқори ташкилот томонидан тасдиқлаб бериладиган Низом асосида фаолият юритади.

Миллий боғлар юридик шахс саналиб, давлат бюджетидан таъминланади. Шу билан бирга унинг бюджети туризм-экскурсия, реклама-ноширлик каби фаолиятлар, шунингдек, давлат, кооператив ва бошқа жамоат бирлашмалари, қўшма корхоналар, халқаро ташкилотлар ҳамда тадбиркорлардан келадиган маблағлар ҳисобидан бойитилиши мумкин.

Миллий боғлар ҳудудида экологик жиҳатдан хавф туғдирувчи саноат корхоналарининг фаолият олиб боришига, гидрологик ва гидрогеологик муҳитни ўзгартирувчи ҳаракатлар ҳамда боғ фаолияти билан боғлиқ бўлмаган йўл, муҳандислик-коммуникация тадбирларини амалга ошириш кабиларга йўл қўйилмайди. Шунингдек, ҳудуднинг табиий, илмий, эстетик ва маданий қиммати пасайишига олиб келувчи бошқа фаолият турлари ҳам тақиқланиши ёки чекланиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, юқорида тилга олиб ўтилган қонунда давлат қўриқхоналари ва миллий боғларни муҳофаза қилишга катта эътибор берилган. Жумладан, қонуннинг 33-моддасида «Давлат қўриқхоналари ва давлат миллий табиат боғларини муҳофаза қилишни махсус табиат ҳудудларини муҳофаза қилиш инспекцияси амалга оширади ва бу иш давлат қўриқхонаси тўғрисидаги ёки давлат миллий табиат боғи ҳақидаги низом билан тартибга солинади», деб кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, қонунда муҳофаза қилиш ходимлари учун қатор имтиёзлар ҳам белгиланганки, бу ҳукуматимизнинг она табиатга ғамхўрлиги нишонасидир.

Нурия НОМОЗОВА,
Косон шаҳар педагогика-иқтисодиёт коллежи ўқитувчиси

Саволингизга ҳуқуқшунос Гулнора Муродова жавоб беради

САВОЛ: Байналмилал жангчилар иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига тенглаштириладими? Имтиёзлар бўйича бизга ҳам бензин пули бериладими? Шунингдек, байналмилал жангчилар оламдан ўтганидан сўнг унинг пенсияси турмуш ўртоғига бериладими?

Р.СОБИРОВ,
Чироқчи тумани

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сонли қарори билан тасдиқланган уруш қатнашчиларига тенглаштириладиган шахслар қуйидагилар ҳисобланадилар:

а) 1941 йил 22 июнидан 1954 йилнинг 31 декабригача бўлган даврда қирувчи батальонлар, взводлар ва халқни ҳимоя қилувчи отрядлар таркибида собиқ СССР ҳудудида жанговар ҳаракатларда иштирок этган шахслар;

б) Иккинчи жаҳон уруши ва гражданлар уруши даврида партизан отрядлари ва қўшилмаларида ёки яширин ишларда бўлган шахслар;

в) Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳаракатдаги армия таркибида ёки ҳарбий ҳаракатлар кетаётган жойларда хизматни ўтаган собиқ СССРнинг Ички ишлар вазирлиги органлари ва Давлат хавфсизлиги қўмитаси органларининг ҳамда оддий ходимлар таркибида бўлган шахслар;

г) Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳаракатдаги армия ва флотлар таркибидаги қисмлар ҳамда бўлинмаларда балоғат ёшига етгунга қадар полк ўғиллари ва юнгалар сифатида юрган шахслар;

д) фронт яқинидаги темир йўлларда мудофаа чизиғи иншоотлари қурилишида ҳарбий-денгиз базалари, аэродромлар ҳамда Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳарбий ҳаракатлар кетаётган жойлардаги бошқа ҳарбий объектлар қурилишида иштирок этган ходимлар;

е) ҳаракатдаги армия таркибида ишлаган ёлланма ходимлар таркибидан бўлган шахслар;

ж) Иккинчи жаҳон уруши даврида фашист концлагерларида бўлган (тутқунлар, шу жумладан, болалар) шахслар;

з) Ленинград шаҳрининг қамал даврида шаҳарнинг корхона, муассаса ва ташкилотларида меҳнат қилган ва «Ленинград мудофааси учун» медали ҳамда «Қамалдаги Ленинград фуқаросига» нишони билан тақдирланган шахслар;

и) 1956 йилнинг 24 октябридан 1956 йилнинг 10 ноябригача бўлган даврда Венгрия ҳудудидаги жанговар ҳаракатлар пайтида ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда хизматни ўтаган ҳарбий хизматчилар;

к) ҳарбий ҳаракатлар кетаётган мамлакатларда ўз байналмилал бурчларини адо этган, тинчлик ўрнатувчи кучлар таркибида иштирок этган ҳарбий хизматчилар, ички ишлар ва миллий хавфсизлик хизмати органларининг бошлиқлари ва оддий ходимлар таркибида бўлган шахслар;

Афғонистон республикаси ва бошқа давлатлар ҳудудида жанговор ҳаракатларда иштирок этган жангчиларга бериладиган имтиёзлар:

Тиббий хизмат ва доридармонга доир:

— шифокор рецептига асосан бепул дори-дармон олиш;

— даволаш-профилактика муассасаларида овқатланиш тўловидан озод этиш.

Сиҳатгоҳ ва дам олиш уйларига доир:

— икки йилда бир маротаба бепул сиҳатгоҳ йўлланмасини олиш;

— биринчилар қаторида иш жойидан бепул сиҳатгоҳ йўлланмасини олиш.

Йўловчи ташиш транспортларида юришга доир:

- барча турдаги (таксидан ташқари) шаҳар йўловчи транспортларида бепул юриш;

— маъмурий туман ҳудудидаги (таксидан ташқари) йўловчи транспортларида бепул юриш;

— шаҳар атрофида қатновчи (таксидан ташқари) йўловчи транспортларида бепул юриш, жумладан, шаҳар атрофига қатнайдиган темир йўл транспорти;

— ҳаво, темир йўл шаҳарлараро автомобил транспортида бир йилда бир марта (бориш, қайтиш) чипта нархи 50 фоиз арзонлашган нархда юриш (III-гуруҳ).

Солиқ бўйича имтиёзлар:

- даромад солиғи тўлашдан озод этилади (энг кам миқдордаги иш ҳақининг 4 бараваридан);


- мол мулк солиғидан озод этилади;

- ер солиғидан озод этилади.

Сиз хатингизда байналмилалчи жангчи дегансиз. Байналмилалчи жангчи билан байналмилал ногиронларига бериладиган имтиёзлар ўртасида фарқ бўлиб байналмилал ногиронлар автомашинасига бензин учун товон пули олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сиз олаётган пенсиянгиз ҳақида ҳам аниқ маълумот бермагансиз. Лекин ҳар қандай ҳолда ҳам афғончиларнинг вафотидан кейин уларнинг турмуш ўртоғига боқувчисини йўқотганлик пенсияси умумий асосларда тайинланади.

БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ



Саволингизга ҳуқуқшунос Ғафур Ғойипов жавоб беради

САВОЛ: Қайси ҳолатларда ходимнинг меҳнат ҳақидан унинг розилигисиз ушлаб қолиниши мумкин?

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 164-моддасига асосан унинг ёзма равишдаги розилиги бўлган ҳолларда ойлик маошидан ушлаб қолиш мумкин. Ходимнинг ёзма равишдаги розилиги бўлиш-бўлмаслигидан қатъий назар қуйидаги ҳолларда меҳнат ҳақидан ушлаб қолинади:

Амалдаги қонунчилик бўйича белгиланган солиқлар ва мажбурий тўловларни ундириш учун;

Суднинг қарорлари ва бошқа мажбурий тўловларни ушлаб қолиш учун;

Иш ҳақи ҳисобидан ортиқча берилган авансни ушлаб қолиш ёки хизмат сафари муносабати билан берилган ҳамда сарфланмай қолган пул маблағини ушлаб қолиш учун;

Аванс тариқасида берилган йиллик таътил даврини тўлиқ ишлаб бўлмасдан меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолларда, ишлаб берилмаган кунлар учун тўланган пул миқдорини ушлаб қолиш мақсадида;

Ходим томонидан иш берувчига унинг бир ойлик маошидан кўпроқ миқдорида етказилган зарарни ундириш учун;

Ходим томонидан айбли ҳаракатлар содир этилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 181-моддаси 1-қисми 2-бандида кўрсатиб ўтилган жаримани ундириш учун.

Ходимнинг меҳнат ҳақидан унинг розилигисиз ушлаб қолишнинг асосий шартларидан бири, бу ҳар сафар ойлик маошни тўлаш вақтида ушлаб қолинадиган пул миқдори ходим ойлик маошининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

РУСЛАН - БИРИНЧИ

Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида қиличбозлик бўйича мамлакат кубоги учун ўтказилган очиқ турнирда иштирок этган моҳир қиличбозлар - Руслан Кудаев, Дмитрий Филимонов ва Роман Бобрушкодан иборат миллий жамоамиз шпагадан биринчи ўринни эгаллади. Шунингдек, шахсий биринчиликда Руслан Кудаевга тенг келадигани топилмади.

БАҒРИКЕНГЛИК

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги фармони инсонпарварлик ва бағрикенгликнинг ёрқин ифодасидир. Ушбу фармонга мувофиқ, 1200 нафардан зиёд жиззахлик маҳкум муддатидан илгари озодликка чиқиши кутилмоқда. Уларнинг бир қисми шу кунларда ўз оиласи бағрига қайтди.

Бундай кишиларга жамиятдаги мавқеини тиклаши, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун имкон қадар кўмак бериш лозим. Мамлакатимиз раҳбарининг номи зикр этилган Фармонида бу алоҳида таъкидланган.

Жиззах вилоят ички ишлар бошқармасида бўлиб ўтган йиғилиш ана шу ҳужжатнинг ижросини таъминлаш билан боғлиқ масалаларга бағишланди. Маҳаллий ҳокимликлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва жамоатчилик вакиллари, кўникма маркази раҳбарлари иштирокида ўтган йиғилишда бу борада бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Шарҳловчи минбари

«КУТИЛМАГАН ҚАРОР»НИНГ ТАРИХИ

Хали Саддам Хусайннинг қўлга олиниши ва унинг тақдири билан боғлиқ баҳслар тинчиб улгурмаган бир пайтда жаҳон ҳамжамияти яна бир оламшумул воқеанинг гувоҳи бўлди. Ливия раҳбари Муаммар Каззофий ўз мамлакати оммавий қирғин қуроли яратиш режасидан воз кечишга тайёр эканини эълон қилди.

Триполининг қутилмаган бу қадамини қандай баҳолаш керак, Қаззофийга ишонса бўладими-йўқми, дея янгиликни таҳлил қилишга берилиб кетган дунё оммавий ахборот воситаларининг шубҳагумонлари орадан бир кун ўтар-ўтмас якун топди. Ливиянинг Австриядаги элчиси Атом энергетикаси бўйича халқаро агентлик директори Муҳаммад ал-Барадей билан учрашиб, Триполи халқаро кузатувчилар гуруҳини ўзининг ядровий объектларига киритишга рози эканини айтди. Шунингдек, маълум бўлишича, Ливия ядровий қуролларни тарқатмаслик ҳамда кимёвий қуролларни таъқиқлаш тўғрисидаги халқаро ҳужжатларни имзолашга ҳам тайёр. Қарийб 17 йил давомида иқтисодий жазо чораларидан азоб чекиб келаётган Ливия ихтилоф эмас, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик йўлини танлади.

М.Қаззофийнинг бу қарорини қутилмаган воқеа, деб аташ мумкин. Лекин бошқа томондан олиб қараганда, дунё сиёсий саҳнасидаги жараёнлар Ливия эртами-кечми бир йўлни танлашга, яъни тарихи 1986 йилга бориб тақалувчи қарама-қаршиликни давом эттиришга ёки ҳамкорликни қайта йўлга қўйишга мажбур бўлишини кўрсатаётган эди.

Ливия билан АҚШ ўртасидаги қарама-қаршиликни бошлаб берган портлаш 17 йил муқаддам Ғарбий Германияда жойлаштирилган АҚШ аскарларининг ҳордиқ чиқариш масканларидан бири - Ғарбий Берлиндаги «Ла Белле» дискотекасида юз берди. Кўп ўтмай, қўпорувчилик ливиялик-лар томонидан амалга оширилган, деб ҳисоблаган АҚШ маъмурияти қасд олиш мақсадида М.Қаззофийнинг қароргоҳини бомбардимон қилди. Ҳаво ҳужуми натижасида 37 киши ҳалок бўлган эди. Орадан икки йил ўтгач эса, Шотландиянинг Локерби шаҳарчаси осмонида АҚШ авиакомпанияларидан бирига тегишли самолётнинг портлаши 270 кишининг (уларнинг аксарияти АҚШ фуқаролари эди) ёстиғини қуритди...

Узоқ вақт давомида Локерби фожеасига алоқаси йўқлигини таъкидлаб келган Ливия раҳбари музокаралардан сўнг ўзининг икки нафар фуқароси Нидерландияда суд қилинишига розилик берди. Шу йил сентябрда эса, Ливия ҳукумати Локербида ҳалок бўлган ҳар бир инсон учун ўртача 10 миллион доллардан товон тўлашга тайёр эканини маълум қилди. Шундан сўнг БМТ Хавфсизлик кенгаши бу мамлакатга нисбатан жорий этилган иқтисодий жазони бекор қилди.

Жаҳон ҳамжамияти билан муносабатларини ўнглаб олган Ливия энди АҚШ билан икки томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш имкониятини қидира бошлади. Шу мақсадда жорий йилнинг мартида Ливиянинг разведка хизмати раҳбари Мусо Куса Буюк Британия разведкачилари билан учрашиб, улардан Ливия-АҚШ музокараларида воситачи бўлишни илтимос қилди. Ёзга чиқиб, Европада ўтказилган қатор учрашувлардан сўнг Ливия америкалик ва британиялик разведкачиларни мамлакат ҳудудига киритиш ва уларни қизиқтирган барча маълумотларни тақдим этишга розилик берди. Октябр ва декабр ойларида эса АҚШнинг Марказий разведка бошқармаси ҳамда Буюк Британиянинг МИ-6 разведка хизмати вакиллари Ливияга борди.

Ядровий қурол яратиш билан шуғулланаётган ўндан ортиқ илмий марказ, махсус қурилмалар, кимёвий бомбалар, 800 километр узоқликка уча оладиган «Скад» русумли ракеталарни ўз кўзи билан кўрган америкалик ва британиялик разведкачилар Ливия ядровий қурол яратиш йўлида анча илдамлаганини тан олди.

Ливиянинг оммавий қирғин қуроли яратиш режасидан воз кечишини қўллаб-қувватлаган АҚШ президенти Жорж Буш Вашингтон Триполи билан ҳамкорликни йўлга қўйишга ва Ливияга нисбатан жорий этилган иқтисодий жазони бекор қилишга тайёр эканини айтди. Лекин бунинг учун М.Қаззофий ўз сўзида туриши ва оммавий қирғин қуролларини йўқота бошлаши керак.

Ливиянинг қарори дунёдаги барқарорликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этиш билан бирга, мавжуд муаммоларни қурол эмас, музокаралар ёрдамида ечиш учун туртки бўлиши аниқ.


(ЎзА)

БУХОРО ВИЛОЯТИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ КЕНГАШИ

Юртдошларимизни кириб келаётган Янги — 2004 йил билан самимий муборакбод этади

Хайрли ишларингиз ҳамиша бароридан келсин!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ КЕНГАШИ



Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган 2004 йил билан чин кўнгилдан табриклаб, ҳар бир хонадонга тотувлик, шодлик ва бахт тилайди

Она заминимизда тинчлик-осойишталик ва ҳамжиҳатлик барқарор бўлсин!

ДАВЛАТ МУАССАСАЛАРИ ВА ЖАМОАТ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

Эл-юрт равнақи йўлида астойдил меҳнат қилаётган барча юртдошларимизни Янги йил билан қутлайди

Меҳр ва мурувват йили жаннатмакон Ўзбекистонимиз учун улкан зафарлар йили бўлсин!

TV дастури

29 декабр — 4 январ

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 29

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!".
08.00-8.45 "Таҳлилнома".
08.45, 17.55 ТВ маркет
08.50 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Уч қора", "Тулпорим".
09.10 "Нурли манзиллар".
09.25 "Хоразм наволари".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
11.30 "Тиббиёт одимлари".
11.50 Мусиқий танаффус.
12.05 "Кўрсатувдан-кўрсатувгача".
12.25, 14.30 ТВ-клип.
12.35 "Ҳазилдан чиққан ҳангома". Ҳажвий новелла. 4-қисм.
13.10 Кураш бўйича Осиё чемпионати.
13.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
14.10 "КиноТеатр".
14.40 "Адабий жараён".
15.00, 17.25 ТВ-анонс
15.05 Кундузги сеанс: "Қор маликаси". Бадиий фильм.
16.25 1. "Ёш юлдузлар". 2. "Олтин тож". Телевизион ўйин.
17.30 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Эъзоз". Премьера.
18.10 "Қорбобо ёзда". Мультфильм.
18.20 Бир жуфт қўшиқ.
18.30 "Мулкдор".
18.50 "Бахтли воқеа". Телелотерея
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 "Ахборот".
21.05 "Парламент вақти".
21.25 "Ошин". Телесериал.
22.25 "Тасанно".
22.30 "Жондан азиз". Видеофильм премьераси.
23.35 "Ахборот-дайжест".
23.55-24.00 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

12.30 Кўрсатувлар дастури
12.35 2003 йилнинг энг муҳим воқеалари: Мустақилликнинг 12 йиллигига бағишланган тантаналар
14.20 Болалар учун мультсериал: Ака-ука Гримм эртаклари
14.45 Жаҳон жуғрофияси
15.35 Ўзбеккино тақдим этади: Қор қўйнида лола Бадиий фильм
16.40 Янги авлод почтаси, Шоҳсупа
17.20 Мульттомоша
17.50 Ёшлар овози
18.10 Меҳр кўзда. Мактубларга шарҳ
18.30 Сув -хаёт манбаи
18.35 Тафаккур ёлқинлари.
18.50 Олтин мерос
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 ТВ - анонс
19.40 Coscom хабарлари
19.50 Қутқарув 050
20.10 Мусиқий лаҳзалар
20.20 Илдиз ва япроқ .
20.45 Гваделупе Телесериал
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим
21.50 Олтин мерос
22.00 Давр
22.40 ТВ анонс
22.45 Ҳандалак плюс
22.55 Ёшлар телеканалида спорт дастури: Интерфутбол
00.40-0.45 Хайрли тун

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 Болажонлар экрани. «Марварид қиз».
18.30, 20.00, 20.45, 22.00 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.15 ТТВда сериал: «23, 5 даражали бурчак остида».
20.20 «Байрамингиз кўнгилли ўтсин».
20.30 «Avto-news».
21.00, 21.40 «Экспресс» телегазетаси.
21.10 «Янги йил саргузаштлари».
22.20 Кинонигоҳ. «Бояқиш Саша».
23.50-23.55 Хайрли тун, шаҳрим !

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.15 «Парле ву франсе?»
16.40 «Хусусийлаштириш: қадам бақадам».
17.00 «Спорт масканларида».
17.20 «Мультсеанс».
17.40 «Кулгу қироллари».
18.05 «Евроньюс» янгиликлари.
18.15 «Кулгу хонаси».
19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?»
21.00 «Время».
21.30 Премьера. С. Безруков «Ҳудуд» фильмида.
22.40 «Бизнес-ревю».
22.45 «Шунқорлар театрда».
23.00 «Ахборот».
23.30 Кинематограф. «Замонлар оша». Бадиий фильм.
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

СЕШАНБА, 30

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
08.00-8.35 "Ахборот".
08.35, 17.55 ТВ маркет.
08.40 Газеталар шарҳи.
09.00 "Тектелефильм" намойиши: "Ўзбек таомлари".
09.40 "Мусиқий учрашув".
10.10 "Уйда ёлғиз-3". Бадиий фильм.
11.50 "Кўпчилик қаторида".
12.30 "Жондан азиз". Видеофильм.
13.35 "Олтин тож"да Янги йил.
14.25 , 17.35 ТВ-анонс.
14.30 "Жиз-биз". Ҳажвий кўрсатув.
15.00 "Ўзбекистон - умумий уйимиз". Янги йил сони.
15.40 "Иқтидор". Интеллектуал шоу.
16.35 "Кулги фестивали".
17.40 "Президент арчаси".
19.00 "Яхши ният".
21.40 «Сўнгги қаҳрамон эмас». М. Галкин иштирокида. Янги йил кечаси.
23.45 «Янги йил табриги».
00.05 «РЖТ»да 2004 йил - Янги йил кечаси».

ПАЙШАНБА, 1

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
08.00-9.00 "Йилнома".
09.00 Газеталар шарҳи.
09.20 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Ўзбек таомлари".
09.40 "Мусиқий учрашув".
10.10 "Уйда ёлғиз-3". Бадиий фильм.
11.50 "Кўпчилик қаторида".
12.30 "Жондан азиз". Видеофильм.
13.35 "Олтин тож"да Янги йил.
14.25 , 17.35 ТВ-анонс.
14.30 "Жиз-биз". Ҳажвий кўрсатув.
15.00 "Ўзбекистон - умумий уйимиз". Янги йил сони.
15.40 "Иқтидор". Интеллектуал шоу.
16.35 "Кулги фестивали".
17.40 "Президент арчаси".
19.00 "Яхши ният".
20.00 А. Пугачева, М. Галкин «Қўш қуён» мусиқали комедиясида.
21.45 «Хабарлар».
22.00 «Спорт» телеканалининг очилиши. «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур».
22.15 «Спорт» телеканалида янги йил старти». Янги йил шоуси.
00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА, 2

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
08.00 -8.35 "Ахборот".
08.35 ТВ маркет.
08.40 "Куйла, ёшлигим".
09.00 "Олтин тож" да Янги йил.
09.50 "Ўзбекистон" телеканалида илк маротаба: "Уддабурон болалар". 1-қисм.
11.15, 14.25 ТВ-анонс.
11.20 "Иқтидор". Интеллектуал шоу.
12.15 "Оҳу", "Қизча ва қуёнчалар". Мультфильмлар.
12.35 "Сарҳисоб".
13.35 "Кулги фестивали".
14.35 "Ўзбеккино" тақдим этади: "Ёдгор". Бадиий фильм.
18.10 «Биз ва болалар».
18.30, 20.00, 20.50, 21.45 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.15 «Хориж хабарлари».
19.20 ТТВда сериал: «23, 5 даража бурчак остида».
20.20 «Эл хизматида».
21.05 ТТВда сериал: «Бебилиска пул».
22.05 Кинонигоҳ. «Янги йил ҳангомалари».
23.55-24.00 Хайрли тун, шаҳрим !

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.00 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
9.00 «Спорт-менинг ҳаётим». Ўзбекистон футбол федерациясида Янги йил.
10.00 «Клип-антракт».
10.10 «Барбос лақабли ит ёки ғайриоддий кросс». Кинокомедия.
10.20 «Чўчқача шаҳарда». Комедия.
12.00 – 14.45 «2003 йил қўшиқлари». 2-қисм.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар».
17.10 «Спорт-менинг ҳаётим».
17.30 «Камолот сари».
18.00 «Клип антракт.
18.10 «2003-йил қўшиқлари». 3-қисм.
21.00 «Время».
21.30 «Хабарлар».
21.40 «Болалар спорти».
21.55 «Олимп сари йўл».
22.10 «Бекҳемдан қолишма». Бадиий фильм.
23.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА, 3

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

06.00 "Ассалом, Ўзбекистон"
08.00-8.35 "Ахборот".
08.35 ТВ-анонс.
08.40 "Мусиқа дунёси". Телеальманах.
09.00 "Ўйла, Изла, Топ!". Телемусобақа.
10.10 "Ҳидоят сари".
10.30 "Ўзбекистон" телеканалида илк маротаба: "Уддабурон болалар". 2-қисм.
12.10 "Ўзбекистон ва жаҳон".
12.30 , 14.30 ТВ-клип.
12.40 "Бу турфа олам".
13.30 "Оталар сўзи - ақлнинг кўзи".
14.40 "Дўстлик" видеоканали. 1."Бизнен мирас". 2."Маврид", 3. "Ирмоқлар".
15.40 "Лоло". Мультфильм.
16.30, 17.00 ТВ-анонс.
16.35 Эстрада тароналари
17.05 "Бир кулишайлик".
17.20 Саргузаштлар ороли Телешоу
17.50 "Рангин дунё".
18.20 "Интеллектуал ринг". Телеўйин.
19.05 "Ўзлотто". Телелотерея.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
20.30 "Ахборот".
21.05 "Қўшиғимиз Сизга армуғон".
21.45 "КиноТеатр".
22.05 "Ўзбекистон" телеканалида илк маротаба"Биз ёлғиз эмасмиз". Бадиий фильм. 1-қисм.
23.30 "Ахборот-дайжест".
23.50-23.55 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

06.55 Кўрсатувлар дастур
07.00 Мунаввар тонг. Информацион дам олиш дастури
09.00 Давр
09.15 Янги авлод студияси: Болалар шеърияти, Томир
09.45 Қишки таътил экрани: Жоҳил қирол ва муҳаббат Бадиий фильм
11.05 Давр-интервью
11.20 Табобат оламида
11.45 Гваделупе Телесериал
12.25 Бола тилидан
13.00 Ринг қироллари
13.50 Ракурс
14.10 Жек ва ловия пояси. Бадиий фильм. 2-қисм
15.00 Мусиқий лаҳзалар
15.15 Жаҳон жуғрофияси
16.05 Қишлоқдаги тенгдошим
16.25 Ҳандалак плюс
16.35 Учинчи саййёра маърифий дастури
17.25 ТВ-анонс
17.30 Кўрсатувлар дастури
17.35 Янги авлод студияси: Бўш ўтирма, Гулғунчалар
18.15 Меҳмонхона
18.40 Каталог
18.50 Олтин мерос
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр
19.35 Давр - репортаж
19.45 ТВ- анонс
19.55 Жек ва ловия пояси. Бадиий фильм 3-қисм
20.50 Оҳанрабо
22.00 Давр
22.40 ТВ - анонс
22.45 Ҳандалак плюс
22.55 Менинг қизим бор. Бадиий фильм
00.25-0.30 Хайрли тун

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
17.45 «Мультчархпалак».
18.05, 21.25 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Билим» теleклуби.
18.35 «Афиша».
18.55 «Мисли гавҳар».
19.35 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.05 «Жаҳон географияси».
20.35 ТТВда сериал: «23, 5 даража бурчак остида».
21.35 «Янги йил ҳангомалари».
22.15 Кинонигоҳ. «Суғур куни»..
23.40-23.45 Хайрли тун, шаҳрим!

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.00 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури. 9.00 «Қорбобо-спортчи болалар меҳмони». 9.25 «Ўзбекистон ифтихори». Азамат Абдураимов.
9.55-11.30 «Осмондан тушган фариштлар». Бадиий фильм.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар».
17.10 «Спорт-менинг ҳаётим».
17.25 «Пахтакор-2003». Якун ва режалар.
18.10. С. Ротару, Ф. Киркоров ва бошқалар «Янги йил концертида».
20.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
21.00 «Время».
21.30 «Хабарлар».
21.40 «Болалар спорти».
21.55 «Олимп сари йўл».
22.10 «Учинчи тайм». Футбол шарҳи.
22.40 «Кураш бўйича Ўзбекистон кубоги».
23.15 «Клип-антракт».
23.30 «Нима? Қачон? Қаерда». Финал ўйини.
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЯКШАНБА, 4

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

06.00 "Ассалом, Ўзбекистон"
08.00-8.35 "Ахборот".
08.35 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
10.00 "Ватанимга хизмат қиламан".
11.00 "Она меҳри".
11.20 "Кўҳна замин оҳанглари".
11.40 "Бу турфа олам".
12.30 , 16.40 ТВ-клип.
12.40 "Куч - билим ва тафаккурда".
13.15, 17.50 ТВ-анонс.
13.20 "КиноТеатр".
13.40 "Бойвачча Рич". Бадиий фильм.
15.10 Мусиқий танаффус.
15.20 "Дўстлик" видеоканали: 1. Рангинкамон. 2. "Дидар". "Айчурек". 3. "Чинсэн".
16.50 "Зарғалдоқ". Мультфильм.
17.10 "Ойдин кечалар".
17.55 "Болалар сайёраси": Янги йил эртаги
19.15 Бир жуфт қўшиқ.
19.30 "Таҳлилнома" (рус тилида).
20.05 "Кўрсатувдан-кўрсатувгача".
20.30 "Таҳлилнома".
21.15 "Кун мавзуси".
21.25 ТВ-клип.
21.35 2004 йил - Меҳр ва мурувват йили. "Яхшилик".
22.15 "Ўзбекистон" телеканалида илк маротаба: "Биз ёлғиз эмасмиз". Бадиий фильм.2-қисм.
23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

06.55 Кўрсатувлар дастур
07.00 Мунаввар тонг. Информацион дам олиш дастури
09.00 ТВ анонс
09.05 Давр - репортаж
09.15 Янги авлод студияси: Бўш ўтирма, Гулғунчалар
09.55 Очил дастурхон
10.20 Заковат интеллектуал ўйини
11.40 Йилнинг чемпионлари
12.05 Ёшлар телеканалида ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. Марди-майдон, 2.Аскар мактублари, 3. Қутқарув 050
13.05 Оҳанрабо
13.45 Жек ва ловия пояси. Бадиий фильм 3-қисм
14.35 Ёшлар овози
14.55 Ҳандалак плюс
15.05 Учинчи сайёра маърифий дастури
15.55 Қишки таътил экрани: Пиноккио. Бадиий фильм
17.40 Кўрсатувлар дастури
17.45 Янги авлод студияси: Катта танаффус
18.15 Ҳандалак
18.50 Олтин мерос
18.55, 21.55 Иқлим
19.00 Давр - news
19.15 Жек ва ловия пояси. Бадиий фильм 4-қисм
20.05 Мусиқий лаҳза
20.15 Кичкина табиб Бадиий фильм.
21.50 Олтин мерос
22.00 Давр ҳафта ичида
22.35 ТВ - анонс
22.40 Ҳандалак плюс
22.50 Африка армонлари. Бадиий фильм
00.40-0.45 Хайрли тун


«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда».
17.45 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
19.25, 22.25 «Экспресс» телегазетаси.
19.35 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.05 «Жаҳон географияси».
20.35 «ТВ плюс».
21.35 ТТВда сериал: «23, 5 даража бурчак остида».
22.35 Кинонигоҳ. «Омадли жентельменлар».
00.05-00.10 Хайрли тун, шаҳрим !

«СПОРТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.00 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури. Дайджест.
9.00 «Қувноқ стартлар».
9.30 «Рақибингиз гроссмейстер».
9.45 «Ўзбекистон ифтихори». Миржалол Қосимов.
10.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
10.30-11.00 «Хамма уйдалигида».
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар».
17.10 «Спорт-менинг ҳаётим».
17.30 «Клип-антракт».
17.40 «Кураш бўйича Ўзбекистон кубоги».
18.10 «Аралаш». Янги йил сони.
18.50 «Интертейнмент хўжалиги». Бадиий фильм.
21.00 «Кўнгил-кўнгилга пайванд».
21.30 «Хабарлар».
21.40 «Болалар спорти».
22.05 «Ўзбек спорти одимлари».
22.20 «Жаҳон спорти».
22.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»






СПОРТ – УЗОҚ УМР ДЕГАНИ

Ақлли, жисмонан соғлом фарзандлар тарбиялаш энг муҳим масалалардан. Шу боис, Президентимиз Ислом Каримов болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Негаки, мустақил юртимизнинг равнақи билимдон, қудратли, жисмонан бақувват ёш авлод камоли билан боғлиқдир.

Мамлакатимиз барча вилоятларида барпо этилаётган кўплаб спорт мажмуаларининг фаолияти ана шу мақсадга қаратилган. Хусусан, Урганч олимпия заҳиралари касб-ҳунар коллежининг ишга туширилиши бу борадаги дадил одимдир. Унда спортнинг йигирма тури бўйича таълим берилади. Ушбу даргоҳни тугатган бўлажак мураббийлар мактаб ва турли ўқув даргоҳида спорт соҳасида ишлай бошлайди.

Таъкидлаш керакки, коллеж 1050 ўринли. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ, коллежнинг барча зарур, замонавий спорт анжомларига эга бўлгани ҳам ёш авлод тарбиясидаги саъй-ҳаракатнинг хайрли, ўз вақтида бошлангани самарасидир.



Беш минг томошабинга мўлжалланган стадион, очиқ ва ёпиқ сузиш ҳавзалари, бокс ва кураш заллари, теннис кортлари ҳамда бадиий гимнастика маркази спортга қизиққан ёшлар билан гавжум.

Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар

Буюк аждодларимиз

Ямуниддин Абулҳасан Амир Хусрав ибни Амир Сайфуддин Маҳмуд Деҳлавий 1253 йили Ҳиндистоннинг Патёли шаҳарчасида дунёга келади. Амир Хусравнинг отаси Амир Сайфуддин Маҳмуд асли шаҳрисабзлик бўлиб, туркий элатларнинг лочин уруғидан. У мўғул босқинчилари Ўрта Осиёга бостириб кирган дастлабки йилларданоқ тарки ватан этиб, Деҳли ҳукмдори Шамсиддин Элтутмиш (1211-1236) саройига хизматга киради.

ХАЛҚИНГ ЭТСИН СЕНИ ЁД

Бўлажак шоир хушхат бўлгани учун отаси Хусравни хаттот қилиб тарбиялаш мақсадида хушнавис мунши Қози Саъдуддин Муҳаммад тарбиясига беради. Аммо унда хаттотликдан кўра шеъриятга завқ ва рағбат кучлилигини сезгач замонасининг фозил шоири Хожа Азизуддин ҳузурига олиб боради. Азизуддин кичкинтойнинг шеърий салоҳиятини синаш мақсадида «мўй» (соч), «байза» (тухум), «тир» (ўқ), «харбуза» (қовун) каби маъноси бир-биридан узоқ сўзлар иштирокида шеър айтишни сўрайди. Бола дарҳол бадеҳа тарзида рубоий ўқийди:

Ҳар мў, ки дар зулфи сияҳи он санам аст,
Сад байзаи анбарин дар он мўй зам аст.
Чун тир мадон рост дилашро, зеро
Чун харбуза дандонаш доруни шикам аст.

Мазмуни: «Ул санам қора зулфининг ҳар толасида юз анбар тухуми жамланган. Дилини ўқдек тўғри-рост деб англама, қовун сингари унинг тишлари бағрига жойлашган. Яъни ёрнинг жабру жафоси қалбида пинҳон».

Шу воқеадан сўнг, бўлажак шоир устози ва бобоси раҳбарлигида адабиёт, шеърий санъатлар, тарих, мусиқашунослик, мантиқ ва бошқа фанларни пухта эгаллашга киришади. Йигирма ёшида Хусрав истеъдодли шоир, қомусий билим соҳиби – олим, созанда ва бастакор сифатида шуҳрат қозонади. Буни сезган Мўлтон ҳокими Кушлихон шоирни саройга жалб этади. Орадан икки йил ўтгач эса Деҳли ҳокими Ғиёсуддин Балабон (1265-1287) уни ўз саройи хизматига таклиф этади. Хусрав Деҳлавий умри давомида етти ҳукмрон даргоҳида давлат арбоби сифатида шуҳрат топиб амир унвонига эга бўлади. У арбоблик фаолияти даврида мўғулларга қарши жангу жадалларда қатнашади. Жанглардан бирида дўсти Ҳасан Деҳлавий билан душман қўлига асир тушади. Бахтли тасодиф туфайли икки дўст қатлдан қутилиб қоладилар. Шоир умрининг охирги ўттиз йилини Деҳлида ўтказади. Тарихий манбалар ва асарларида узоқ йиллар юқори мансабларда ишлашига қарамай, Хусрав Деҳлавий камтарона ҳаёт кечирганлиги тилга олинади. Улуғ шоир 1325 йили Деҳлида вафот этади.

Амир Хусрав Деҳлавий, ўз таъбири билан айтганда, «ҳали тишлари тўкилиб юрган гўдаклик онлариданоқ» ажойиб лирик шеърлар бита бошлаган. Унинг ижоди форсий шеъриятни янги тараққиёт босқичига кўтарилишида беқиёс хизмат қилган. Шоир умр бўйи ёзган шеърларини «Туҳфат ус-сиғар» (Ёшлик туҳфаси), «Васат-ул-ҳаёт» (Ҳаёт ўртаси), Ғуррат ул-камол (Камол ибтидоси), «Бақияи нақия» (Сараларнинг сараси) номи билан беш китобга жамлаб, Шарқ адабиётида девон тузишни адабий анъанага айлантирган.

Хусрав лирикаси равонлиги, енгил ўқилиши ва шеърхон қалбига тез етиб бориши билан ўзига хосдир. Маъшуқанинг ҳусну жамолини таъриф этганда ҳам, муҳаббатнинг ҳаётбахш, руҳафзо хислатини таъкидлаганда ҳам, ағёр ифвосию жафоси, ёрнинг нозу таманносига боғлиқ руҳий кайфиятларини чизганда ҳам шоир ҳамиша бадиий баркамолликни таъминлайди. Хусравнинг лирик қаҳрамони – ҳаёт, гўзаллик ошиғи, у ҳамиша маъшуқадан вафо ва садоқат истайди, висолга етишиш умиди, завқ-шавқи билан яшайди.

Амир Хусрав асарларида юксак инсоний фазилатларни, аҳлоқ-одобни тарғиб этади, замон ва нобоп кишилардан чеккан азиятларини қаламга олади. Мўғул истилочилари Ҳиндистонга муттасил ҳужум қилиб турган, ўзаро феодал урушлар авжига миниб, мамлакат ва меҳнаткаш халқнинг аҳволи оғирлашган бир замонда яшаган Хусрав шеърларидан бирида шундай ранж изҳор қилади:

Хуш эрди умри бир замон хуш,
Менга, аммо, шундай хуш замон йўқ.
Фалак даъво этар меҳрини, лекин,
Дилим айтарки, меҳри ончунон йўқ.
Агар шодликнинг нархи бўлса юз жон,
Сотиб олгум, фалак дерки, ҳамон йўқ.

(Чустий таржимаси)

Хусрав Деҳлавийнинг инсонни маънавий баркамолликка ундайдиган сон-саноқсиз байтлари халқ хикматларига айланиб кетган:

Истасанг дунёда бахту саодат,
Айлагил қардошлар дийдорин одат.
Бу кўҳна оламда айлағил бунёд,
Бир нарсаки, халқинг этсин сени ёд.

(Ш.Шомуҳамедов таржимаси)

Хусрав Деҳлавий Шарқ адабиётидаги достоннавислик анъанасини давом эттириб, Жомийнинг таъкидлашича, Низомий «Хамса»сига ҳаммадан яхшироқ жавоб айтган шоирдир. У Низомийдан руҳ ва файз олиб, уч йил (1299-1301) мобайнида «Матлаъ ул-анвор» (Нурларнинг чиқиши), «Ширин ва Хисрав», «Мажнун ва Лайли», «Ҳашт биҳишт» (Саккиз жаннат), «Оинаи Искандарий» достонларидан иборат «Хамса» яратади. Хусрав достонларида Низомий асарининг шакл ва сюжети, образлар силсиласини асосан сақлаган ҳолда улуғ озарбайжон шоири тараннум этган ғояларни янгича куйлади, уларга тоза руҳ бағишлади.

Хусрав Деҳлавий «Қирон ус-саъдайн» (Икки саодатли сайёранинг қўшилиши), «Мифтоҳ ул-футуҳ» (Ғалабалар калити), «Хазойин ул-футуҳ» (Ғалабалар хазиналари), «Дувалроний ва Хизрхон», «Нуҳ сипеҳр» (Тўққиз қават осмон) сингари ўнлаб достон, насрий асарлар ҳам яратди. Булар бир томондан, шоир ижодининг тобора камолотга етиб, дунёқарашининг ранг-баранг қирралари намоён бўла борганлигини, гуманист мутафаккирни замонасининг долзарб масалалари ғоят қизиқтирганлигини кўрсатади. Масалан, халқлар дўстлиги,. хотин-қизлар қадри, ақл-закоси ва ҳақиқий ишқ-муҳаббатни олқишлаган шоир мусулмон йигит Хизрхон билан ҳинд қизи Дувалроний ишқий саргузаштини тасвир этиш орқали ҳиндлар билан мусулмонлар ўртасидаги мазҳабчиликнинг ёмон оқибатларини кўрсатади. Ҳиндистон халқларини мустаҳкам бирликка чорлайди. Бу эса, ташқи ҳужумни дафъ этиш ва мамлакатни хонавайрон қиладиган ўзаро феодал урушларнинг олдини олиш, ички низоларга барҳам беришнинг асосий омили эди. Иккинчидан, тарихий воқеаларга бағишланган мазкур асарларнинг аксариятида шоир султонларни адолатга, иттифоққа ундайди, даҳшатли урушларнинг аянчли оқибатларидан изтиробга келади.

«Эъжози Хусравий» (Хусрав мўъжизаси) асари катта илмий қимматга моликдир. Адабиётшуносликка доир бу асар беш рисоладан иборат бўлиб, ҳозирда ҳам форсий шеъриятнинг услуби, умуман, Шарқ шеъриятидаги бадиий санъатларни ўрганишда энг муҳим манба ва дастуриламал ҳисобланади.

Аксарият забардаст ўзбек мумтоз шоирлари уни ўзларига устоз деб билганлар. Алишер Навоий «Хамса»ни яратишда Хусрав Деҳлавий ҳам «руҳ» ва «қувват» бахш этганини алоҳида эҳтиром билан таъкидлайди. Шоир деярли барча асарларида Хусрав номини тилга олади. Навоийнинг машҳур «Туҳфатул-афкор» (Фикрлар совғаси) қасидаси «ҳинд сеҳргари»нинг «Дарёи аброр» қасидасига жавобан битилган, «Девони Фоний»даги бир қанча ғазаллар Хусрав Деҳлавий шеърларига татаббуъ тарзида яратилган. Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис», «Соқийнома» асарларида шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтади. «Ягонаи замона», «Ишқ ва дард аҳлининг раҳбар ва пешвоси», деб юксак баҳо беради. Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Мунис, Хоразмий, Муҳаммадризо Огаҳий ва бошқа сўз санъаткорлари ҳам Хусрав Деҳлавий даҳосидан баҳра топганлар.

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ, Севара АЛИМБОЕВА

ХОТИРА ТУРНИРИ

Ташаббус

Инсон умри оқар дарё. Одамлар борки, ўзининг хайрли ишлари билан ҳаётда ўчмас из қолдиради.

Қашқадарё вилоятининг Қарши туманидаги Ниёзбудин қишлоғида туғилиб ўсган Ризо Насимов ана шундай қалби дарё инсонлардан бири эди. Элнинг фидойи фарзанди воҳа иқтисодий ва ижтимоий турмушини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлардан.

Билимдонлиги, ташаббускорлиги билан ёшлигидан эътиборга тушди. Дастлаб хўжаликларда иқтисодчи, кейинчалик вилоят режа комиссиясининг раиси, 1992 йилдан то умрининг охиригача ҳокимнинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари вазифасида ишлади. Вилоятга Ислом Каримов раҳбарлик қилган даврида Юртбошимиз билан бир сафда туриб иқтисодий ислоҳотлар самарадорлиги учун кураш олиб борди.

Бахтсиз тасодиф ва бевақт ажал воҳанинг асл фарзандини орамиздан олиб кетди. Ризо ака ҳаёт бўлганида 63 ёшга тўлар эди. Унинг бошлаган хайрли ишларини дўстлари ва фарзандлари давом эттирмоқда.

Хотира ҳамиша уйғоқ. Қаршида Ризо Насимов хотирасини ёд этиш мақсадида юнон-рум кураши бўйича Халқаро турнир ўтказилди. Мамлакатимизнинг Андижон, Наманган, Фарғона, Бухоро, Тошкент, Самарқанд, Навоий вилоятлари ва Қозоғистон, Қирғизистон республикаларидан ташриф буюрган 200 нафарга яқин спортчилар ғолиблик учун гиламга чиқдилар.

Мусобақа иштирокчилари Ризо Насимов қабрига гулчамбарлар қўйиб, азиз инсонни хотирладилар. Вилоят ҳокими ўринбосари Назар Ҳакимов, юнон-рум кураши бўйича Федерация президенти Нурмат Жулибеков, Республика олимпия заҳиралари коллежининг директори Раҳмонберди Аҳмедов турнир қатнашчиларига омад тиладилар.

Ўн бир вазн тоифасида беллашган полвонлар ғолибликни қўлга киритиш учун бутун куч ва маҳоратларини ишга солдилар. 35 килограмм вазн тоифасида қаршилик Дилшод Инаковнинг қўли баланд келди. Ўз вазни бўйича қашқадарёлик Шоҳруҳ Кенжаев ва Отабек Авлиёқуловлар кумуш медалга лойиқ деб топилдилар.

76 килограмм вазнда қаршилик Азиз Эшимов ва самарқандлик Рустам Синдаровлар ўртасидаги беллашув муросасиз кечди. Дастлаб имкониятни бой берайётган Азиз ташаббусни қўлига олиб, икки дақиқа-ю икки сонияда соф ғалабага эришди. Беллашувларда 58 килограмли Бекзод Аллабердиев, 100 килограмли Абдуғани Қурбонов мусобақанинг олтин медалига сазовор бўлишди.

— Хотира турнири ёшларимизнинг юнон-рум кураши бўйича маҳоратлари ошиб бораётганлигини кўрсатди, – дейди касаба уюшмалари вилоят кенгаши раиси Э.Ражабов. – Қўшни республика ва вилоятлардан келган ўнлаб полвонлар ўз куч ва маҳоратларини намойиш қилиб яхши натижаларга эришдилар.

Мусобақа ғолиблари ва совриндорларига эсдалик совғалари топширилди.

И.ИСОМИДДИНОВ

Каратэ

ОЛДИНДА - ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ

Туркиянинг Истанбул шаҳрида каратэ бўйича йирик халқаро турнир нихоясига етди.

Ҳар йили ўтказиб келинаётган мазкур баҳсларда ўнта давлатдан энг кучли каратэ усталари иштирок этди. Сафар спортчиларимиз учун омадли кечди.Турнирда иштирок этган саккиз нафар каратэчиларимиз иккита олтин, учта кумуш ва тўртта бронза медали билан тақдирланиб, умумжамоа ҳисобида мезбонлардан кейин иккинчи ўринни эгалладилар.

Осиё чемпиони София Каспулатова кумитэ баҳсларида олтин медални қўлга киритди. Қашқадарёлик яна бир истеъдодли спортчи Люция Бойбулатова ҳам ўз вазнида чемпионликка эришди. Ката баҳсларида Отабек Қосимов, Илҳом Каримов ўз вазнларида кумуш медални қўлга киритдилар. Шунингдек, Ихтиёр Шаропов, Наим Элтоевлар ҳаракати бронза медалга лойиқ кўрилди.

Бу сафарги баҳсларда ёш каратэчиларимизга қашқадарёлик Алишер Содиқов мураббийлик қилди.Каратэ миллий федерациясидан маълум қилишларича, терма жамоа шу кунларда янги йилнинг январ ойида Хитой Тайпейида бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатига қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

А. АБДУМАЖИДОВА

«КАМАЛАК» АРЧАСИ

Тошкент вилояти «Камалак» болалар ташкилоти шаҳар ва туманларда Янги йил кечаларини уюштирмоқда. Шундай тадбирлардан бири - Кибрай туманида бўлиб ўтди.

«Камалак арчаси» деб номланган байрамда кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари иштирок этди. Арча атрофида ташкилотнинг «Сардорлар» кенгаши йиллик фаолияти сарҳисоб қилинди. Йил давомида яхши натижаларга эришган сардорлар рағбатлантирилди. «Кўнгил» студиясининг театрлаштирилган томошалари барчага манзур бўлди.

ЧАВАНДОЗЛАР БАҲСИ

Фарғонада от спорти бўйича катталар ва ёшлар ўртасида вилоят биринчилиги якунланди. Мусобақада вилоятнинг энг сара чавандозлари иштирок этди.

Катталар ўртасида кечган баҳсларда Умид Дугабоев ўзининг «Хром» лақабли оти билан биринчи ўринни қўлга киритди. Чавандоз жорий йилда Ўзбекистон биринчилиги ва кубоги беллашувларида ҳам шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган эди. Ёшлар ўртасидаги баҳсларда эса ғалаба Маъруф Қурбоновга насиб этди.

(ЎзА)

Футбол майдонидан ташқарида

«ОЛТИН ТЎП» СОҲИБИ

Ҳар соҳада бўлгани каби футбол оламида ҳам йил якунларига кўра жаҳон, қитъа ва мамлакатлар чемпионатларида энг яхши натижалар кўрсатган футболчилар номи аниқланмоқда.


Яқинда ФИФА сўровномасига кўра «Йилнинг энг яхши футболчиси» номи аниқланган эди.

Терма жамоалар мураббийлари иштирокида ўтган сўровномада Франция терма жамоаси ҳамда Мадриднинг «Реал» клуби вакили Зайниддин Зидан «Йилнинг энг яхши футболчиси» деб эътироф этилди.Кейинги ўрин шу номга асосий даъвогарлардан бири Зиданнинг терма жамоадаги шериги Лондоннинг «Арсенал» клуби ҳужумчиси Тьери Анрига насиб этди.Сўровномада учинчи ўринга лойиқ кўрилган «Реал» (Мадрид) ҳамда Бразилия терма жамоаси ҳужумчиси Рональдо бу ҳолдан ранжимади. Унинг таъкидлашича, ҳозирда Зидан дунёда энг кучли футбол афсунгаридир.

Куни кеча «Frans futbol» ҳафтаномаси соврини «Олтин тўп» учун футбол журналистлари ўртасида сўровнома ғолиби аниқланди. Унга кўра Туриннинг «Ювентус» ҳамда Чехия терма жамоаси ярим ҳимоячиси Павел Недвед Европа қитъасининг биринчи рақамли футболчиси деб аталиб, «Олтин тўп» соҳибига айланди. Бундан олдин Недвед Чехиянинг 2003 йилдаги энг яхши спортчиси ҳамда Шарқий Европа футболчилари орасида якунланаётган йилда энг кучли деб тан олинганди.Руминиянинг «Фокус» газетасининг сўров якунларига биноан Недвед 39 очко тўплаб , «Милан» клубининг украин ҳужумчиси Андрей Шевченкони 10 очкога ортда қолдирди.

Осиё қитъасида эса Эрон терма жамоаси ҳамда Германиянинг «Гамбург» клуби плеймекери Меҳди Маҳдавикия «Энг яхши футболчи» деб топилди.

А.ЮНУСОВ



Муқаддас қадамжо

Кўҳна Қобул шаҳри улуғ ҳукмдорлар пойтахти, улкан ва қудратли салтанатлар маркази бўлганлигига тарих гувоҳ. Бу қадимий шаҳарда юзлаб осори-атиқалар, обидалар, масжиду мадрасалар мавжудки, санаб саноғига етолмайсиз.

Қобул шаҳрининг Деҳи Мазангон мавзесида, Чилсутун тоғи этагида буюк бобокалонимиз, шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қадамжоси ястаниб ётибди. Шундоққина тоғ этагидаги нишабликка қараб чўзилиб кетган ҳамда 10 гектардан зиёдроқ майдонни эгаллаган бу гўзал гўшани қобулликлар «Боғи Бобуршоҳ» деб аташади. Бир вақтлар бу маскан ниҳоятда обод ва гўзал боғ бўлганлигига шоҳлари қуриб-қовжираб қолган улкан чинор дарахтлари гувоҳлик бериб турибди. Кекса боғбоннинг айтишига қараганда, ушбу чинорларни Бобур мирзонинг шахсан ўзи ўтқазган экан.

Бобур мирзо ва унинг яқинлари дафн этилган боғнинг энг тепа қисмида, шундоққина шоҳ Бобур қабри этагида илоҳий қудратнинг рамзи сифатида зилол сувли булоқ қайнаб чиқмоқда. Ҳар куни минглаб қобулликлар бу чашмадан фойдаланишади. Сувнинг қолган қисми пастга қараб оқиб боғдаги дарахт ва гулларга ҳаёт бахш этади ҳамда боғ ичида қурилган иккита улкан ҳовузни тўлдиради.

БОБУР МИРЗОНИ ИЗЛАБ

Бобуршоҳ қабридан 50 метрлар Жануброкда бобурийларнинг эски қалъаси жойлашган. Ўз замонида муҳташам, салобатли кўринишга эга бўлган бу қалъа айни кунда хароба аҳволга тушиб қолган. Қалъанинг икки улкан нақшинкор дарвозаларига қулфлар осилган. Қалъа таъмирталаб бўлганлиги учун зиёратчилар учун ёпиб қўйилган.

Шоҳ Бобур мақбараси ва унинг атрофидаги қабрлар, улардан сал пастроқда жойлашган усти ёпиқ зиёратгоҳ – дахма йиллар ўтиши, об-ҳаво ва айниқса 23 йиллик биродаркушлик уруши давомида хароба ҳолатга келиб қолган.

Ушбу обидани сақлаб қолиш, уни таъмирлаб тиклаш ва ободонлаштириш ишларига Афғонистондаги машъум толибон ҳукмронлиги тугатилганидан кейингина киришилди.

Таъмирлаш ишлари Қобул шаҳри ҳокимлиги раҳбарлигида АҚШ ҳукумати ҳамда Садриддин Оғохон номидаги халқаро Ислом жамғармасининг (Покистон) моддий ёрдамида амалга оширилмоқда.

Айни пайтда боғнинг ўртасида шинамгина меҳмонхона қурилган бўлиб, ариқлар тартибга келтирилиб, боғ атрофидаги қадимий деворни тиклаш ишлари давом этмоқда. Ушбу девор қадимдан Девори Ҳисор (қалъа девори) номи билан машҳур бўлиб, боғ этагидан Чилсутун тоғи тепасигача бўлган қисми ҳозиргача сақланиб қолган. Тоғ тепасигача қурилган, оғир меҳнатлар билан бунёд этилган ушбу тарихий ёдгорликка боқаркансиз аждодларимизнинг юксак маҳорати, жасорати, ҳунарига тан ҳам кўзга ташланади. Қобулдаги қайси кўча ва хиёбондан ўтманг, ҳар қадамда қурилиш, ободонлаштириш ишларининг гувоҳи бўласиз. Турар-жой бинолари, мактаблар, шифохоналар, дўконлар билан биргаликда саноат корхоналари ҳам қад ростламоқда.

Бир сўз билан айтганда, Афғонистонда кенг кўламдаги ободончилик ва бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Ана шу улкан бунёдкорлик ишлари оқимида буюк юртдошимиз, улуғ шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур қадамжоси яқин йиллар ичида чиройли, обод ва бетакрор гўзалликка эга бўлган ажойиб масканга айланиши ва яқин келажакда кўпчилик ватандошларимиз учун мўътабар зиёратгоҳга айланишига ҳам шак-шубҳа йўқ.

Абдулвоҳидхон НУРИДДИНОВ, журналист

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди -

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 8803 Буюртма Г— 0017 1 2 3 4 5